

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2015-yil 23-iyul, №29 (966)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Халқимиз асрлар давомида интилиб ашаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг кадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислохотларимиз, кўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуг, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг тарихий иловага мувофиқ тасдиқланган.
2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу гоъни ўзида муҷассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Маъруза дастури ишлаб чиқишда куйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлгимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш,

урф-одат ва аъналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табарруқ номларини улуглаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илғари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониётлар очиб берганини кенг акс эттириш;

Ўзбекистон ўз вақтида собиқ мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, бирёқлама ривожланган ночор иқтисодиётдан, "шок терапияси" каби номаъқул моделлардан бутунлай воз кечиш, машхур беш тамойилга асосланган ўз тараққиёт йўлини қатъий танлаб олгани ва дунёда "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ушбу ривожланиш стратегиясининг реал натижаларини аниқ таҳлиллар орқали очиб бериш;

яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётнинг асосини пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш қорхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугунги кунда sanoati тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда sanoatning улushi 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланганини кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда)

Она заминимизда инсонни ўзига ром этадиган неъматлар кўп. Турфа гуллар ифорию, полizza анкиган ҳандалак ҳиди кимни мафтун этмайди. Аммо оламда бир неъмат борки, у ҳар қандай гулдан муаттароқ. Катта-ю кичикни бирдек жалб этувчи бу ифору — нон иси.



Машаққатли изланишлар маҳсули

"Токи галла мустақиллиги-га эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча", деган эди Президентимиз Ислоҳ Каримов галла мустақиллиги масаласини ўртага қўйган пайтларида. Бу қатъият, шижоат ва машаққатли изланишларни тақозо этади. Аввало, кишлоқ хўжалигида туб ислохотлар амалга оширилди. Деҳқонларимиз галла етиштиришни ўрганиб, уларнинг моддий манфаатдорлиги юқори даражага кўтарилгани ютуқларинг асосий омил бўлди. Ана шундай эътибор туфайли Ўзбекистон нафақат галла билан ўзини таъминловчи мамлакат, балки уни экспорт қиладиган давлатлар қаторига кирди.

Эришилган ютуқларда галла навларининг янгилангани, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш борасида олиб борилган илмий изланишлар ҳам муҳим ўрин тутди. Яратилаётган истиқболли навлар, фермерларнинг фидокорона меҳнати, галла етиштиришдан

манфаатдорлиқнинг ортиши, моддий-техник базанинг мустақамланиши ҳамда бу ишларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳани жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги галлачилик бошқармасининг маълумотига кўра, янги навларни экишда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш агротехникасини таркомлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, олимларимиз яратган "Чиллаки", "Дурдона", "Андижон-2", "Андижон-4", "Бобур", "Асп" ва "Туркистон" каби ўндан зиёд маҳаллий бугдой навлари ҳосилдорлиқни оширишда муҳим омил бўлаётди.

Таъкидланишича, мустақиллигимизнинг илк йилларида галладан гектарига 17 центнердан ҳосил олган фермерларимиз ҳозир 55 центнерлик натижага эришмоқда, улар

орасида 90-100 центнерлик маррани забт этаётганлар ҳам бор.

Шу кунларда қайси қишлоққа борманг, қайси хонадонга кирманг, дала юмушлари ҳамда галла ҳосили ҳақида сўз боради. Боиси, фермерлар ўзига қолган донни истаганча тасарруф этиб, рўзгорини обод қилмоқда.

Эътибор берсангиз, шаҳарларимизда ҳар тонг кун ёришмасдан кўчаларда нон юкланган машиналар бирин-кетин манзил томон ошади. Кишлоқларда эса хонадонларда ёпилаётган иссиқ нон хиди димоқни қитиқлайди.

Энг асосийси, биз саралаб, танлаб харид қиладиган, тандирларимизда ёпаётган бу нонлар ўзимизнинг бугдойдан. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Яратганга минг бор шўқри, ўз донимизга, ўз беминат номимизга эга бўлган кунларга етиб келдик. Бу — машаққатли меҳнат маҳсули, эл ризқи.

Ўз мухбиримиз

Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Куролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг, жумладан, ҳарбий хизматчилар ҳамда улар оила аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг оланиш олиш борасида ярим йил давомида олиб бориладиган фаолият якунлари ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Шухрат Уззаков кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизнинг бугунги демократик янгилашни босқинчидаги энг муҳим йўналишларидан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкам-

лаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш вазифалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Ботирбек СОБИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг матбуот хизмати бўйича ёрдამчиси

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳарбий прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган амалий ишлар ва қонунчилик тарғиботи тадбирлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида Куролли Кучларда ҳарбий интизомнинг янада мустаҳкамланишига эришиш билан бир қаторда, ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари,

амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, мажлисда қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш борасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, хизмат ва яшаш жойларида маиший шароитлар яратилиши аҳоли, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан назорат остидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда режа асосида текширишлар ўтказилиб, натижасига кўра прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилганиги айтиб ўтилди.

Ҳайъат мажлиси якуни бўйича қарор қабул қилинди ва келгусидаги аниқ вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма
тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

тарихан қисқа даврда мамлакатимиз иқтисодий 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳоли-мизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодий 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ қимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари sanoati, темир йўл машинасозлиги, машиной электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озик-овқат ва тўқимачилик sanoati каби соҳа ва тармоқларга асос солинигани атрофлиқа ёритиш; кишлоқ ҳўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати ривож учун кенг йўл очиб берилгани, бугунги кунда фермер ҳўжалиқларимиз нафақат кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётгани, балки кишлоқ тараққиёти учун маъсулятини ўз зиммасига олган қудратли ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бораётганини кўрсатиб бериш;

1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озик-овқат товарлари, аввало дон, қартошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,6 карра, қартошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева — қарийб 4 карра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талкин этиш; мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси

бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортигини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ва бошқа мисоллар орқали юртимизда бу соҳа ҳадал ривожланиб, ўрта синф — мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини намоён этиш;

ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёди ташкил этаётганини бу борадаги амалий ишларимизнинг яққол самараси тариқасида акс эттириш;

юртимиз, шаҳар ва кишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича жорий этилаётган дас-турларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериш;

мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳолимиз, биринчи навбатда, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустақамлашга ажратилаётган йиллик ҳаражатлар изчил ошиб бораётганини, биргина 2014 йилда бу рақам 60 фоиздан ортиганини мазкур йўналишда олиб борилаётган кенг қўламли ишларимизнинг мантқиқий натижаси сифатида кўрсатиш;

замонавий билим ва касб-хўналарини чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқиб келган янги авлоднинг тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишларнинг моҳиятини очиб бериш. Шулар

қаторида фақат сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 278 та болалар мусика ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти ва 100 дан зиёд сузиш ҳавзалари қурилгани ва реконструкция қилингани, бугунги кунда 2 миллион нафар фарзандимиз, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизларимиз спорт билан мунтазам шугулланаётгани ва бошқа мисолларда соғлом турмуш тарзи ҳаётимизни қондасига айланиб бораётганини ёритиш;

юртимизда ҳукм сураётган тўлган ва осийишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, узоқ ва яқин атрофимиздаги давлатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлаш, турли минтақа ва ҳудудларда хавф-хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётган таҳлиқли замонда доимо оғоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи барнамиздан талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканига алоҳида аҳамият қаратиш;

Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодий энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган "Бутунжаҳон бахт индекси" да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани ва бошқа мисоллар ёрдамида юртимизнинг барқарор тараққиёт суръатларини теран очиб бериш;

биз қўлга киритаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омил ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимизнинг дунёқарашини,

сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганига алоҳида ургу бериш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш ва тегишли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадийий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

6. Республика комиссияси ўз йигилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказида ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна расоомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2015 йил 17 июль

И. КАРИМОВ

Парламентда

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш йўлида

Мамлакатимизда фуқароларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш эъзига турли хил касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш ишларини ташкил этиш ишлари йилдан-йилга такомиллаштирилиб, сифат жиҳатидан янада яхшилаб бoрилмоқда. Бу жараёнда аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳам ана шу ислохотларнинг ажралмас қисмига айланган. Соҳанинг қонуний асосларини мустақамлашни эса, тезкор ривожланиб бораётган бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан иккинчи ўқишга киритиш учун тайёрланаётган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Қонуни лойиҳаси муҳокама-сига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари ва ходимлари, Ўзбекистон Истеъмоличилар ҳужуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Давлат солиқ кўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни

ривожлантириш Давлат кўмитаси, Фармакология кўмитаси, "Ўзфармасаноат" ДАК, "Дори-Дармон" АК ва маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарувчи давлат ва хусусий корхоналар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, 1997 йилда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши соҳанинг ривожланишида муҳим омил бўлди.

Амалдаги қонун қабул қилинганлигига 18 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, унинг кўпгина нормалари эскирган ва бугунги кун талабига жавоб бермайди. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти турли хил йўналишларини

мувофиқлаштириш масалалари тўлақонли акс эттирилмаган, натижада улар амалиётга мос келмай қолган.

Давра суҳбатининг асосий мақсади Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама-сига иккинчи ўқишга тайёрланган ушбу қонун лойиҳасини экспертлар, малакали мутахассислар, олимлар ва мазкур соҳада фаолият юритаётган амалиётчилар иштирокида муҳокама қилиб, уни такомиллаштириш учун аниқ таклиф ва тавсиялар олишдан иборат бўлди.

Шундан келиб чиқиб, тадбир давомида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳамда ушбу соҳадаги норматив-ҳужуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ва амалда қўллаш масалалари чуқур таҳлил қилинди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалда қўллаш учун зарур бўлган бир қатор қонуности ҳужжатларининг рўйхати ишлаб чиқилди. Шунингдек ривожланган давлатларнинг ушбу соҳага оид қонунлари қиёсий таҳлил қилинди.

Тадбирда иштирок этган мутахассислар янги таҳрирдаги ушбу қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза билдирар эканлар, мазкур ҳужжат мамлакатимизда фармацевтика sanoatини янада ривожлантириш учун мустақам ҳуқуқий асос бўлиб қизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар. Қонун лойиҳаси амалдаги қонунга нисбатан янги моддалар ва асосий тушунча билан тўлдирилмоқда.

Халқаро амалиётга мос равишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш билан боғлиқ нормаларни, фармацевтика фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи барча йўналишларни қамраб олган бўлиб, унда ушбу соҳада Вазирлар Маҳкамасининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ ва батафсил ёритилмоқда.

Қонун лойиҳасидан "Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш", "Дори воситаларини, тиббий буюмларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби" каби қатор янги моддалар ҳам жой олаётгани қизгин муҳокама қилинган сабаб бўлди.

Ўз мухбиримиз

Протест қаноатлантирилди

Кишилик жамиятта турли тоифага инсонлар бўлиб, уларнинг яшаш шартлари ҳам турлича. Кимдир ўзига тўқ бўлса, яна кимдир жамият ва давлат мададига муҳтож. Тақдир экан, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Тоштемировага фарзандли бўлиш насиб этмайди, кексайган чоғида эса ёлғизлиб қолади.

Ёлғиз, қаровга муҳтожларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга кексайган чоғларида суянч бўлиш халқимизга хос ғазилдир. 85 ёшли онахоннинг бахтига жиянлари бор экан, навбатма-навбат йўқлашади, ташлаб қўйишмайди. Айниқса, бир жияни ўта меҳрибон эди. Афсуски, умри қисқа экан, касал бўлиб оламдан ўтади. Қолганларининг эса ўз оиласи бор, ўзларидан ортмай, вақтида унинг иссиқ-соғуғидан хабар олишолмайди.

Шунда онахоннинг қўшиниси С.Турсунова унинг жонига оро қиради. Вақт топди дегунча, ундан хабар олиб туради. Кўп ўтмай икковлон ўзаро келишиб, қўшни онахонни таъминлаб турадиган, у эса ўз навбатида С.Турсуновага ўзига тегишли уй-жойни 20 миллион сўмга сотадиган бўлади. Хуллас, 2012 йил май ойида Р.Тоштемирова уйини нотариал тартибда қўшниси С.Турсуновага расмийлаштириб беради. Шунингдек, С.Турсунова уй учун тўланадиган маблағнинг 10 миллион сўмини бериб, қолгани эвазига онахонни таъминлаб туриши ўз зиммасига олади.

Аммо кейинчалик С.Турсунова томонидан шартнома шартлари бажарилмади ва Р.Тоштемирова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар С.Турсунова ва Марҳамат тумани 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан 2012 йил 2 майда тузилган уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўрайди.

Ўз навбатида жавобгар С.Турсунова ҳам судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Р.Тоштемирова, Х.Қосимова, А.Хусайинов ва Ф.Сайдуллаеваларни Марҳамат тумани, Қорақўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини, Т.Юсупов маҳалласида жойлашган ра-

қамсиз уй-жойдан қўчиришни, ўзи ва оила аъзоларини ушбу уйга киритиб қўйишни сўрайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг 2014 йил 30 июндаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари рад қилиниб, қарши даъво қаноатлантирилади. Жавобгарлар Р.Тоштемирова, Х.Қосимова, А.Хусайинов ва Ф.Сайдуллаевалар низоли уй-жойдан қўчирилиб, С.Турсуновани оила аъзолари билан ушбу уйга киритиш белгиланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 23 октябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилади.

Шундан сўнг Р.Тоштемирова ҳақ-хуқуқлари тикланиши сўраб, Бош прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлади. Ўз навбатида Бош прокуратура томонидан назорат тартибда протест киритилиб, унда мазкур иш юзасидан қабул қилинган кассация инстанцияси ажримини бекор қилиш, ишни янгидан қўриш шу инстанция судига юбориш масаласи кўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш бўйича маърузачини, прокурорнинг протестни қувватлаш ҳақидаги фикрини тинглаб, протест важларини иш материаллари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра протестни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 1998 йил 17 апрелдаги қарорининг 3-бандига асосан, суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни қўришга мажбур,

ҳал қилув қароридида ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари, тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатлариға тўғри келмоғи лозим. Ҳал қилув қароридида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина у асосли бўлиб ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қароридида ФПКнинг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига кўра асослантирилади. Ҳал қилув қарори ФПКнинг 59, 59-моддаларида белгиланган далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйиш ҳақидаги қоидалар эътиборга олинган ҳолда асослантирилади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, низоли уй-жой Марҳамат туман ҳокимининг 2009 йил 2 майдаги қарорига асосан Р.Тоштемировага тегишли бўлган. Низоли уйни Р.Тоштемирова жавобгар С.Турсуновага умрбод таъминлаш шarti билан сотиш тўғрисида келишган бўлса-да, улар ўртасида тасдиқланган олди-сотди шартномаси расмийлаштирилиб, уйнинг нархи 5 миллион сўм деб кўрсатилади, низоли шартнома давлат кадастр рўйхатидан 2012 йил 4 май кuni ўтказилган.

Гарчи шартноманинг 7-бандига асосан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолувчи фуқаролар йўқлиги белгиланган бўлишига қарамаздан, даъвогар Р.Тоштемирова ушбу хонадонда доимий рўйхатда туриб яшаб келган. Шунингдек, хонадонда даъвогар Р.Тоштемированинг розилиги билан бироз вақт унинг қариндошлари, жавобгарлар Х.Қосимова, А.Хусайинов ва Ф.Сайдуллаевалар ҳам истиқомат қилишган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530-моддасига кўра, умрбод

таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парварилаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатмасидан кўринишича, низоли уй сотилишидан аввал нотариус ва бошқа маҳалла фаоллари Р.Тоштемированинг уйда тўпланадиган, уйни олди-сотди қилишига ўзаро розилик билдирганликларини, келишувга кўра уй 20 миллион сўмга баҳоланиб, жавобгар С.Турсунова келишилган суммадан 10 миллион сўмини даъвогарга беришини, қолган сумма эвазига даъвогарнинг умрининг охиригача таъминлаши, вафот этган тақдирда дафн этиш маросимларини ўтказишни ўз зиммасига олган.

Мазкур ҳолатни жавобгар С.Турсунова ҳам тасдиқлаб, низоли уйни Р.Тоштемировадан сотиб олганлигини, дастлаб 4 миллион сўм, сўнгра 6 миллион сўм берганлигини, қолган 10 миллион сўм эвазига уни таъминлаб туриши лозимлигини, бироқ кейинчалик даъвогарнинг жияни Х.Қосимова яқинлари билан уйга кириб олиб, низоли уйни бўшатишдан бош тортаётганлигини баён қилган.

Даъвогар Р.Тоштемирова ҳам ўз тушунтиришида С.Турсунова маҳалла йиғинида уни умрбод таъминлаш ҳақида ваъда бериб, низоли уйни 20 миллион сўмга нотариус орқали ўтказишни илтимос қилганлиги учун унга ишониб, низоли уйни нотариал тартибда ўтказиб берганлигини кўрсатиб ўтган.

Мазкур ҳолатда суд умр-

Камолитдин ЮЛБАРСОВ,
Бош прокуратура бўлим катта
прокурори

бод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномасини оддий олди-сотди шартномаси деб баҳолаб, нотўғри хулосага келган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 361-моддаси 5-бандига кўра, суд ишни назорат тартибда қўриб, ўзининг ажрими ёки қарори билан ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгарттиришга ёхуд бекор қилишга ва ишни янгидан қўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Шунга кўра, судлов ҳайъати судлар томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолатига ҳамда аҳамиятга эга бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо берамаганлиги, моддий ҳуқуқ нормаси нотўғри қўлланилишига олиб келганлигини илтибатга олиб протестни қисман қаноатлантириб, иш бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиб, даъвогар Р.Тоштемированинг даъвосини қаноатлантириш ҳамда С.Турсунованинг қарши даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, кучли ижтимоий химоя давлатимиз сиёсатини устувор йўналишини ташкил этади. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат химоясида эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида белгиланган бўлишига қўйилган. Юртбошимизнинг "Аҳолининг энг ночор қатламлари: кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшларнинг давлат томонидан муҳофазатга бўлган қафолатли ҳуқуқларини таъминлаш Конституцияда белгиланган асосий гоё ва мақсадлардан биридир", деган сўзлари эса кундалик ҳаётимизда тўлалигича ўз тасдиғини топмоқда.

Ёшлар камолоти учун

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқига Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга эришилаётганини алоҳида қайд этиб: "Бундай ютуқларнинг сабабларини биз, аввало, мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқарашини, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганига кўраимиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кунини масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва

суянчимиз деб билганимиздadir", дея таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган ҳар бир йилда ёш авлод истикболи, жисмоний саломатлиги ва маънавий камолоти йўлида улкан эзгу ишлар амалга оширилди. Пировад натижада бугун фарзандларимиз ҳеч кимдан кам эмас. Улар халқимиз, давлатимиз ардоғида жаҳон эътирофига сазовор натижаларга эришишмоқда. Мисол учун, Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган Кумушхон Ҳўжаевани олайлик. Туманимиздаги 31-умумтаълим мактабида бошланғич таълим олиб, 28-олимпиада захираларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида малакаси ошган бу қизимиз 11 ёшдан бошлаб ютуқларга эриша бошлаган. Айни кунгача "Турон" яқка кураши бўйича тўрт қарра, ўзбек кураши ва дзю-до бўйича ҳам шунча мартаба Ўзбекистон чемпиони ҳисобланади. Кўпбақ хорижий давлатлардаги мусо-

бақаларда мамлакатимиз байроғини баянда кўтарган Кумушхоннинг мақсадлари кишини қувонтиради.

9-мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Мохичебра Абдулбоқиева эса "Еш ихрочи" 4-халқаро танловда фортепиано йўналиши бўйича "Энг яхши мусиқачи" деб тан олинди. Озарбайжон давлатидаги танловда фахрли учинчи ўринни эгаллаб, тўрақўрғонлик ёшлар йутуғини яна биттага қўпайтирди.

Юртимизда К.Ҳўжаева, М.Абдулбоқиевага ўхшаб юксак муваффақиятларини кўлга киритаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса, табиғики, уларнинг истикболини ўйлаб олиб борилаётган эзгу ислохотларнинг самарасидир.


Истиқлол даврида ҳар бир йилга ўзига хос ном берилиши замирида ҳам ёшлар тақдирига кўрсатилаётган ғам-ўшрик муҳассам. Жумладан, туманимизда 8 та касб-хунар коллежининг

Абдулатиф СОЛИЕВ,
Тўрақўрғон туман прокурори

барчаси янгитдан қурилиб, замон талаблари даражасида жиҳозланганини ва барча умумтаълим мактаблари реконструкция қилинганини айтиш мумкин. Айниқса, ўтган йилнинг декабрь ойида 28-олимпиада захираларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун янги бино ҳамда иншоотлар қуриб битказилгани туманимиз спорт ихлосмандларига "Соғлом бола йили"нинг энг катта совғаси бўлди.

Давлат бюджетини ҳисобидан 2 миллиард 38 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилиб, барча шaroитлар талаб даражасида яратилгани натижа-сида мактаб тарбияланувчилари жаҳон миқёсида эътироф этгулик ютуқларга эришишмоқда.

/Давоми 4-бетда/



Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий фаолиги ошди. Фуқароларимиз қабул қилган наётган ҳар бир қонун, аввало, ўзи ва оиласига, қолаверса, жамиятга нима бериши мумкинлигини кенг муҳокама этишмоқда. Бу эса юртошларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишларга, хусусан, ҳуқуқий ислохотларга бепарқ эмаслигидан далолат беради. Бунда фуқароларимиз қонун талабларининг сўзсиз бажарилишдан бутун жамият манфаатлар эканлигини чуқур англаб этишмоқда. Буни фуқароларнинг мурожаатларидан ҳам билиш мумкин. Бироқ, айрим раҳбарлар ҳар доим ҳам фуқароларнинг мурожаатларига масъулият билан ёнашавермайди.

Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан олиб борилган назорат тадбирларида бу каби масъулиятсизлик қабулининг таъминлиги ҳоқимликда. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси доирасида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабулининг ташкил этилиши аҳоли давлат бошқаруви органлари, назорат-тектириув ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳамда маҳаллий ҳоқимликлар, ўзини ўзи бошқариш органларида назорат тартибда тектиришдан ўтказилди. Тектиришда қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бирга хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, юклатилган вазифаларни ижро этишда сусткашликка, айрим ҳолларда масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик, мурожаатларни умуман ёки белгиланган муддатларда қўриб чиқмаслик, асоссиз рад этиш ҳолатларига йўл қўйилган ва ижро интизоми бузиб келинган.

Бундай ҳолатларни, унинг келиб чиқиш сабабларини ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф эттиш тўғрисида тақдимномалар киритилиб, прокурорларнинг протестлари асосида 21 та ноқонуний ҳужжат бекор қилинди, 31 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳландирилди.

Масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор ва масъул шахслар интизоми ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатини қўзлаб

3 млн. 710 минг сўм ундириш ҳақида судларга ариза киритилди ҳамда қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Президентимизнинг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан қонунлар ижроси устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш каби вазифалар давлат бошқаруви органлари зиммасига юклатилган бўлса-да, ушбу талаблар лозим даражада бажарилмаган. Бундай ҳолатлар иқтисодиёт, молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари, архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри, ўрта махсус, касб-хунар таълими, ветеринария хизмати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учраб турибди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўтказилган тектиришларда 11 та мурожаатни қўриб чиқишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги оқибатида 9 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган. Маҳаллий ҳоқимликлар томонидан фуқароларнинг мурожаатларига юзак муносабат билдириш, уларда кўрсатилган вазиларни синчковлик билан тектирмалик натижасида такроран ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳамда ҳақли равишда

этироз билдириш ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, Бахмал туман ҳокимининг биринчи ўринбосари томонидан "Маданият" қишлоғида яшовчи фуқаро Н.Саримсоқовнинг аризасига беш ойдан сўнг жавоб юборган.

Тектириш натижасига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида виллоят ва туман ҳоқимликларига тақдимнома киритилди.

Маҳаллий давлат бошқаруви органларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқишда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Хусусан, виллоят иқтисодиёт бош бошқармаси масъул ходимлари томонидан Бахмал туманида яшовчи фуқаро Н.Мирзаевнинг ичимлик суви муаммоси хусусидаги аризаси виллоят ҳоқимлиги томонидан шу йил 18 февралда бош бошқармага кирим қилинган бўлиб, унинг аризасига 2 март куни ёзма жавоб берилган.

Фуқаро Н.Мирзаевнинг аризаси эса тааллуқлилиги бўйича беш кунлик муддатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмаган.

Қонуннинг 23-моддаси талабига кўра, мурожаат юзасидан қарор қабул қилган давлат органнинг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг устидан шикоят бериш тартибини тушунтириш шартлиги белгилаб қўйилган. Бироқ бош бошқарма томонидан фуқаролар Б.Абдурахмонов ва бошқалар, Н.Мирзаев, М.Абдувалиев, А.Мавлонов ва бошқалар, У.Иргашев, Х.Хамроев ва бошқаларнинг аризалари бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартиби тушунтирилмаган.

Шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида мурожаатга жавобни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолаши белгиланган. Бироқ қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига келиб тушган "Янгидала-Шерзод" МЧЖ раҳбари М.Анваровнинг мурожаатига комиссия қотиби томонидан жавоб хати юборилиб, қонун талаблари бузилган.

Виллоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи номига аниқланган

қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида тақдимнома киритилди ва бошқарма бошлиғига нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Олий таълим муассасаларида ҳам айрим ҳолатларда мурожаатлар билан ишлашда қонунга риоя қилинмаганлиги маълум бўлди. Масалан, Жиззах Давлат педагогика институтига жорий йилнинг ўтган даврида 8 та мурожаат келиб тушган. Жумладан, фуқаролар Ш.Ишманованинг фарзандини ўқишга қабул қилиш ҳақидаги, Н.Маширапованинг қизининг ўқишини тиклаш, Ф.Жўрабековнинг хунармандчилик маҳсулотларига буюртма бериш тўғрисидаги аризаларини қўришда қонун бузилишига йўл қўйилган.

Жиззах политехника институти мансабдор шахслари томонидан эса фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш натижаси бўйича баъзи муаллифларга жавоб хати ёзилмаган ва уларни қўриб чиқиш натижасидан норози бўлган тақдирда, юқори турғучи органга шикоят қилиш ҳуқуқлари тушунтирилмаган, ариза, таклиф ва шикоятлар таҳлил қилиб борилмаган.

Жиззах политехника институти ва Жиззах педагогика институти ректорлари номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Назорат-тектириув органларида ҳам бу каби ҳолатлар содир этилган. Тектиришларда бир неча мурожаат қонун талабларига риоя этилмаган ҳолда қўриб чиқилганлиги аниқланди. Хусусан, виллоят солиқ бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш низоми тасдиқланмаган ва масъул ходимлар бириктирилмаган. Юритилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қайд этиш китобида масъул ходим аризани қабул қилиш олганлиги ҳақида имзо қўйилмаган, натижалар тегishли тартибда қайд этиб борилмаган. Хусусан, юридик шахсларнинг ариза ва шикоятларини қайд этиш китобида шу йил 25 февралда рўйхатга

Маъруф ХУЖАМКУЛОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

олинган "Кока-кола ичимлиги" Узбекистон ЛТД" МЧЖнинг мурожаати масъул ходим Ф.Музаффаровга ҳал этиш учун топширилган. Ижро муддати 12 март кунига белгиланган бўлса-да, ариза қабул қилиб олинганлиги ҳақида имзо қўйилмаган, натижа кўрсатилмаган ва жавоб хати берилмаган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказилган тектиришлар шуни кўрсатдики, бу тизимда ҳам фуқароларнинг мурожаатлари қўриб чиқишида қонун талаблари бузилган. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 28 та тақдимнома киритилди. Масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор ва масъул шахслар интизоми ва маъмурий жавобгарликка тортилди, бу кўпол қонунбузилиши юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Фаллолор тумани "Кичиксой" қишлоғида яшовчи фуқаро Г.Бобоназарова февраль ойида фарзанди учун нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган бўлса-да, унинг мурожаати 15 апрель кунига қадар аризаларни рўйхатга олиш китобида киритилмаган ва махсус комиссия томонидан қўриб чиқилмаган. Ф.Жабборов, Р.Азизова, Г.Ҳайдарова, Д.Ҳамзаева, Э.Ибрагимованинг сўраб берган аризалари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Прокуратура аралашган, бу фуқароларнинг аризалари комиссияда қўриб чиқилиб, нафақа тайинлашни таъминланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва қўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни қўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, бу борадаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш ёхуд қилдирилган фикр ва мурожаатдаги танқид учун таъбиб қилиш каби ҳолатлар қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши унутмайлик.

Ёшлар камолоти учун

[Давоми. Бошланғич 3-бетда]

Ўтган йили Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, жойларда "Камолот" уйлари" қуриш ҳаракати бошланганди. Қисқа вақт ичида туманимизнинг "Шарк" маҳалласи худудида "Саноатқурилишбанк"нинг 2 миллиард 650 миллион сўм сармоиси эвазига 4 қаватли, 32 хонадонли замонавий,

барча шароитларга эга уй бунёд этилди. Бу хонадонларнинг уч қарра жаҳон чемпиони Рустамжон Умаров, халқро тоифадаги спорт усталари ва жаҳон чемпиони совриндорлари Музаффар Соиббоев, Жаҳонгир Абдулхаев, Мансуржон Бахромов, Донийёр Қорабоев, Абдулла Соиббоев, Музаффар Мирзажонов кабиларга берилгани ёшларни янада ғайрат қўрсатишга, ютуқларни қўпайтиришга қўрлатпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати

ҳамда бир қатор ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида аънаванавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор — элга мададкор", "Менинг бизнес гоём", "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" каби лойиҳалар қўпчилик битирувчиларнинг қизиқишларини оширмоқда. "Камолот" ЕИХнинг туман бўлими қошидаги "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" тўғраги томонидан берилётган назарий ва амалий ёрдамлар натижасида туманимиз ёшларидан бир неча нафари ҳам "Микрокредитбанк"нинг туман бўли-

мидан имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. Айни кунда улар яшаш жойларида тенгдошларига касб-хунар ўргатиш, аҳолига маиший хизмат қўрсатишдек ибратли ишлар билан шўгулланмоқдалар.

Эзгуликка йўғрилган бу каби ишларнинг натижаси ёшларимиз қўлга киритаётган ютуқларда яққол намоён бўлмоқда. Улар қалбидан шу азиз Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкам экани эса келажимиз нурули бўлишидан нишондир.

Ноқонуний телефон савдоси

Олим Темировга Қирғизистондан кўнғироқ бўлиб, бир-икки соатларда юк уйига етиб боришини айтишди. Шундан сўнг у бошқа юмушларини йиғиштириб, юкни кута бошлади.

Аниқланишича, икки-уч йилдан буён О.Темиров билан Олим Нуриддинов "ҳамкорлик" қилади. Олим деганлари танишлари орқали яширин йўллар билан Қирғизистондан олиб ўтилган мобил телефон аппаратлари ва аксессуарларини Янгикўрғон тумани, Нанай қишлоғидаги О.Темировнинг хонадонида сақлайди. Эвазига яхшигина хақ тўланган учун уй эгаси бундан жуда мамнун. О.Нуриддинов қирғизис-

тонлик ҳамтовоқларидан товарларни қабул қилиб олиб, О.Темировнинг уйига келганида соат 23:00лар чамаси эди. Шу боис, улар тезгина мобил аппаратларни четроқдаги хонага жойлашди. 396 дона аксессуарни эса О.Нуриддиновга тегишли "Ласетти" русумли транспорт воситасининг двигатели жойлашган қисмига яширишди. Машина эгаси эрталаб бозорга чиқиши кераклигини айтиб, автотомобилини ўз манзили томон ҳайдади.

"Ласетти" чироқлари зимистон бағрини ёритиб борар экан, О.Нуриддинов бугунги

"операцияси"дан мамнун эди. Бирок унинг қўвончи узоққа чўзилмади. "Заркент" назорат пост масканидан ўтаётганида ҳаракатлари шубҳа уйғотди чоғи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари унинг машинасини кўздан кечиришга киришишди. Кўп ўтмай машинага яширилган уяли алоқа телефонларини топиб олишди.

Тун ярмида дарвоза тақиллаганидан безовта бўлган О.Темиров норози қиёфада кўчага чиқди-ю, "ҳамтовоғи" ҳамроҳлигида ташриф буюрганларни кўриб, бутунлай уйқуси ўчди.

Холислар гувоҳлигида унинг хонадонни кўздан кечирилганида, божхона расмийлаштирувдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган 853 дона 33 турдаги телефон аппаратлари топилди. Шунингдек, О.Нуриддинов савдо қилиб келаётган Наманган шаҳридаги "Чорсу" меҳмонхонасида жойлашган дўконда ҳам тўрт турдаги 149 дона мобил телефон аппаратлари борлиги маълум бўлди.

Тайинки, икки ҳамтовоқ бу ҳолатга ўзларича изоҳ беришга, қилмишларини хаспўслашга ҳаракат қилишди. Бирок гувоҳларнинг кўрсатмаларидан

Элмурод УБАЕВ, Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

ва бу борада келтирилган далиллардан сўнг қилмишларини тан олишдан ўзга чора топа олишмади.

Суд ҳукми билан икки ҳамтовоқнинг қилмишларига яраша жазо тайинланди. Умумий баҳоси 56 млн. 400 миңг сўмлик мобил телефон аппаратлари, шунингдек, О.Нуриддиновга тегишли бўлган, жиноят қуроли деб топилган "Ласетти" автомашинаси давлат фойдасига ўтказилди.

Ватан муқаддасдир. Унинг ҳар бир гулу гилёҳи, осмон-ўпар тоғлари-ю, сўлим боғлари, хуллас, ҳар бир қарич ери ҳар нарсадан азиз. Шу сабабли ҳам Ватан сўзининг олдига она сўзини қўшиб, Она Ватан дея ардоқлаймиз. Ўзбекистон каби тинч, мусаффо, табииати бетакрор замин яна қайда бор?! Шундай Ватанимиз борлигидан қанча ғурурлансак, шунча оз.

Қилмиш фош бўлди

Ибрагим БАБАМУРАДОВ, Навбахор туман прокурори

Бирок, айрим кимсалар борки, бундайлар виждонини ютиб, ўзи туғилиб-ўсган чамани арзимас маблағга алмашиб кетаётганини ҳеч қандай ваз билан оқлаб бўлмайди. Фуқаро Жамол Ҳамидов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам ана шундай иймонини, виждонини ютганлардан эканлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан фош қилинди.

Бу кимса ўтган йили Россияда ишлаб юрган вақтида шахси номаълум фуқаролардан диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастиқликни тарғиб қилувчи материалларни уяли алоқа телефонига юклаб олиб, ватанга қайтади. Йўлини қилиб, юртимиздаги божхона чегарасидан ушбу уяли телефони яширинча олиб ўтишга ҳам эришади. Шукрки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг сайёҳаракатлари туфайли унинг хурсандчилиги узоққа бормади. Нурота-Навоий йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган Ж.Ҳамидовнинг уяли телефони текширилганда унинг қора ниёти фош бўлди.

Экспертизасининг хулосасига кўра, унинг телефонидаги тасвирлар диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастиқликни тарғиб қилувчи материаллар экан. Аслида Ж.Ҳамидов айнан ана шундай материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, фойдаланиш ва тарқатиш қонун асосида тақиқланганлигини жуда яхши билар эди.

Суд Ж.Ҳамидовнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. Унга кўра бу кимса олти йилни сим тўрлар ортида ўтказишга мажбур.

Тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлайтириш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, иқтисодий ночор қорхоналар ишини жонлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, прокуратура органлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда 43 та ҳолатда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганлиги аниқланди. Битта жиноят иши қўзғатилиб, 3 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу билан бирга, 2015 йилнинг ўтган

даврида туман прокуратурасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилган 21 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда иқтисодий ночор қорхоналар ҳамда вақтинчалик фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг ишини қайта тиклашга қаратилган амалий чоралар кўрилиб, 24 та қорхона фаолиятининг қайта тикланишига эришилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ва

Фурқат РАСУЛОВ,

Яккасарой туман прокурорининг катта ёрдамчиси

туман прокуратураси, маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви органлари ва назорат қилувчи идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокида тадбиркорлар учун давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Бундай учрашуларда тадбиркорларга солиқ ва бож имтиёзлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш"; уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги Фармони мазмун-моҳияти ҳам кенг тушунтирилмоқда.



Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши йўлида

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли фаровонлиги йил сайин ошиб бормоқда. Бунда барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, хусусан, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, уларнинг оқини олиш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўриалаётган чора-тадбирларнинг самараси катта бўлмоқда.

Департаментнинг Шаҳрисабз туман бўлими 2014 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида асосий эътиборни зиммамизга юклатилган вазифаларга, амалга оширилган тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратиб, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, қонунбузилиши ҳолатларига барҳам бериш борасида бир қатор натижаларга эришди. Бўлимимиз ходимлари томонидан 18 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, уларнинг барчаси бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Олиб борилган тезкор тадбирлар давомида ҳуқуқбузарлардан жами 82 млн. 983,8 миңг сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Давлат бюджет-

тига етказилган моддий зарардан 85 млн. 373,1 миңг сўми ундирилди.

Тадбиркорлик соҳасидаги ноқонуний фаолият, хусусан, яширин равишда истеъмолга яроқсиз бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш иқтисодиётимизга жиддий зарар етказиши билан бирга, эркин рақобат муҳитига ҳам халақит беради. Олиб борилган тезкор тадбирлар мобайнида яширин равишда фаолият кўрсатиб келаётган цехлар фош этилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Ўтган йили ҳуфиёна фаолият билан шугулланган шахслардан 19 млн. 644, 8 миңг сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилган эди.

Бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши, ҳўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит маблағларининг нотўғри сарфланиши, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айлинишига шарт-шароит яратиб бераётган ҳамда ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилаётган шахслар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Текширишлар мобайнида даромадларни камайитириб кўрсатиш, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига зарар етказувчи ана шундай ҳолатлардан битта мишол келтирироқчимиз.

Бўлимимизга етказилган тезкор маълумотга кўра Шаҳрисабз туман ДСИ ходимлари томонидан тумандаги "Тегенабон" фирмасининг 2010 йил 1 январдан 2014 йил 1 март ҳолатигача бўлган молия-ҳўжалик фаолияти юзасидан текшириш ўтказилган. Тадбир мобайнида фирма мансабдор шахслари ҳисобот ҳужжатларида ялпи тушум суммасини 1 млрд. 627 млн. 461 миңг сўмга камайитириб кўрсатганликлари ва бунинг натижасида 81 млн. 373 миңг сўмлик ягона солиқ суммасини яширганликлари аниқланди.

Бундан ташқари, мазкур

Мадамин МАНСУРОВ, СВОЖДЛКК департаментининг Шаҳрисабз туман бўлими катта суриштирувчиси

фирма томонидан 2011 йилда Россия Федерациясининг "Концерн — ЗЭТ" МЧЖдан 1 млн. 174 миңг АҚШ доллари миқдориде кунгабоқар ёғи Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган бўлиб, бу маҳсулотлар нақд пулга сотиб юборилган. Ундан тушган 1 млрд. 608 млн. 661 миңг сўм нақд пуллар эса банк муассасасига топширилмаган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахслар суд томонидан тегишли жазога тортилди.

Департаментнинг туман бўлими ходимлари аҳоли, хусусан, тадбиркорлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ана шундай тадбирлар натижасида кўплаб фуқаролар тадбиркорлик фаолиятларини қонуний асосда йўлга қўймоқдалар.

Иқтисодиёт соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлаш юртимизнинг янада гуллаб-яшнашига, ҳар биримизнинг фаровон яшашимизга хизмат қилади. Шундай экан, қонун талабларига қатъий амал қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Қонун устуворлигининг муҳим кафолати

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби қонун ижодкорлиги борасида ҳам туб ислохотлар амалга оширилганлиги барчамизга аён. Айниқса, мамлакатимизда 2005 йилдан эътиборан икки палатали парламентнинг фаолият юритиши бу борада эришилган муҳим ютуқлардан бири бўлди.

2014 йил мамлакатимиз қонун ижодкорлигида самарали бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ва матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган муҳим қонунлардан бири "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқини рўйбга чиқаришда мазкур қонун алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда кўриб чиқирилиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган қонун нафақат жисмоний, балки юридик шахсларнинг муносабатлари соҳасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади. Қонуннинг 4-моддасида эса муносабатларнинг шакллари назарда тутилган. Унга кўра, муносабатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Электрон муносабатга қўйилган талаблар ҳам қонунда ўз ифодасини топган. Яъни бу шаклдаги муносабатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Имзо, шу жумладан, электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган муносабат аноним муносабат деб ҳисобланади.

Муқаддам амалиётда фуқароларнинг давлат органларига муносабатини кўриб чиқиш тартибини уларнинг суд органларига муносабатлари, масалан, фуқаролик ишлари бўйича судларга тақдим этган даъво аризаси ёки шикоятини кўриб чиқиш тартиби билан ўзаро чалқаштириш ҳолатлари кузатилади эди. Эндилекда аввалгисидан фарқли равишда ушбу қонунда унинг амал қилиш соҳалари ҳам аниқ белгилаб берилди. Унга кўра, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонун кўриб чиқиш тартиби Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган муносабатларга нисбатан таътиб этилмайди.

Қонунда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилиш жойини манфаатдор шахсларга етказиш тартиби аниқлаштирилди. Шунингдек, қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган муносабатлар беш кунлик мuddатдан кечиктирмай тегишли органларга юбори-



либ, бу ҳақда муносабат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши белгилаб қўйилди. Қонуннинг 19-моддасига кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиш шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган мuddатда кўриб чиқилади.

Шунингдек, қонунга "Муносабатларни кўрмай қолдириш" деб номланган 20-модда киритилди. Унга кўра, қуйидаги муносабатлар кўриб чиқилмаслиги белгилаб қўйилди:

- аноним муносабатлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муносабатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- қонунда белгиланган

бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муносабатлар.

Мазкур қонунда назарда тутилган нормаларнинг амалда татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда бу борада мансабдор шахслар масъулиятини ошириш мақсадига 2014 йил 11 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тегишлича жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ойбек ХОЛМАТОВ,
Фарғона транспорт
прокурорининг ўринбосари

бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муносабатлар.

Мазкур қонунда назарда тутилган нормаларнинг амалда татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда бу борада мансабдор шахслар масъулиятини ошириш мақсадига 2014 йил 11 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тегишлича жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Даствлабки тергов ва унинг вазифалари

Даствлабки тергов жиноят ишини судда кўриш ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришни таъминлашга қаратилган. Бу вазифани эса ҳар бир жиноят иши бўйича объектив ҳақиқат ўрнатилишини таъминлаш орқали амалга ошириш мумкин. Жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни белгилашда, яъни ҳақиқатда воқеа-ҳодисалар қандай бўганигини ҳар томонлама текшириш орқали айбланувчининг айбдорлиги бўйича далил-исботларни тўплаш, асослаш, баҳолаш ва ягона бир тизимга келтирган ҳолда хулоса чиқариш талаб этилади.

Тергов ҳаракатлари давомида иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиб, бу жараён вақтида айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланади. Шунга қарамай, бу тергов даствлабки тергов деб аталади. Уни юритиш давомида жинойи жавобгарликка тортилган шахснинг айбдорлиги масаласи ҳал этилмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ, "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқорга кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди", деб белгиланган. Жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг конституциявий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23, 24-моддаларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, шахсини айбдор деб фақат суд топиши мумкин, лекин бу даствлабки терговнинг аҳамияти камситилишини аниқламайди. Зеро, даствлабки терговнинг сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши судда иш муваффақиятли кўриб чиқилишининг гарови саналади. Агар даствлабки терговда ушбу шарт бажарилмаса ва суд жараёнида тўлдирилмаса, у ҳолда иш қўшимча терговга юборилиши мумкин.

Айрим юридик адабиётларда даствлабки тергов фаолиятини тавсифлашда, у "судгача ва суд учун амалга оширилади", деб таъкидланган жумлани учратиш мумкин. Лекин, бу тавсиф шунчаки жонли ўхшатиш бўлгани боис, унга қўшилиб бўлмайди. Чунки, тергов қилинаётган жиноят иши суд жараёнигача бориб етмаслиги ҳам мумкин. Яъни қонуний асослар мавжуд бўлган ҳолларда иш терговчи ёки прокурор томонидан тугатилиши мумкин. Шу сабабли ҳам даствлабки тергов жиноятни ошқор қилиш усуллари ва шакллари, айбдорни жинойи жавобгарликка тортиш ва ишни судга тақдим этиш учун замин яратиш каби процессуал қоидаларни тартибга солишчи юридик нормаларни ўзида мужассамлаштирган жиноят-процессуал ҳуқуқнинг мураккаб институти ҳисобланади. Ушбу институтининг нормалари жиноят ишини тергов қилиш давомида жинойи характернинг юз берган ёки бермаганлигини аниқлайди, қонунга мувофиқ асосларга кўра айбдорни жинойи жавобгарликдан озод қилиш тақозо этилган ҳолатларда жинойи ишни тугатиш тартибларини ҳам белгилаб беради. Бундан кўринадики, даствлабки тергов институти вужудга келган пайтдан буён у жиноят-процессуал ҳуқуқининг ажралмас бир қисми бўлиб келмоқда ва унинг мақсади даствлабки тергов ва суриштирув органларининг фаолияти мобайнида

вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий барқарорлиги, аниқлиги ва очик-ойдинлигини таъминлаш ҳамда ўзбошимчилик ва қонунсизлики бартараф этишдан, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборатдир.

Юқоридегилардан кўринадики, даствлабки тергов деганда, жиноятларни очиш, айбланувчини жинойи жавобгарликка тортиш ва жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун замин яратишда вужудга келадиган процессуал ҳаракатларнинг узвийлигидан иборат бўлган процессуал фаолият ҳисобланади. Даствлабки тергов жараёнида фақат бевосита жиноят-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган чораларнигина қўллашга йўл қўйилади. Шу билан бирга, барча процессуал ҳаракатлар ҳар бир жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатга, қонун талабларига амал қилинган ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояси таъминланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Даствлабки тергов бўйича барча процессуал фаолият махсус мансабдор шахслар — терговчилар томонидан амалга оширилиши боис қонун бошқа ҳеч қандай идора ва шахсларга тергов олиб бориш ваколатини бермаган. Фақат прокурор бундан мустасно ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодексининг 340-моддасига асосланиб суриштирув органларининг жиноят иши бўйича суриштирувчи бошлашлари даствлабки тергов ҳисобланмайди ва барча жиноят ишлари бўйича даствлабки тергов ўтказилиши шарт (ЖПК 345-модда, 1-банд), суриштирув эса амалга оширилмаслиги ҳам мумкин. Жиноят-процессуал ко-

Улуғбек ИСАНОВ,
Зарбдор туман прокуратураси терговчиси

дексининг 344-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида даствлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Шунингдек, даствлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин.

Терговчиларнинг давлат аппарати тизимидаги ўрни масаласида юридик адабиётларда турлича нуқтаи назарлар билдирилган бўлиб, улар қўллаб мунозараларга сабаб бўлган. Жумладан, даствлабки терговни ким олиб бориши керак, деган масала бўйича бир тоифадаги муаллифлар барча терговчиларни прокуратура органларида мувожасамлаштириш керак деса, иккинчи тоифадаги ички ишлар органларида, учинчи тоифадаги ички ишлар органларида, учинчи тоифадаги ички ишлар органларида эса махсус тергов органларида мувожасамлаштириш керак, деган фикрларни билдирганлар. Бу таклифларнинг ҳар бири ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда қонун чиқарувчи орган тергов аппаратлари прокуратура органлари, ИИВ ва МХХда фаолият юритиши лозим, деб топган. Бу эса терговчилар процессуал жиҳатдан бир хил мустақилликка эгалликларини ва уларнинг ваколатлари фақат тергов қилинаётган ишларнинг тегишлилиги бўйичагина аниқ белгилаб берилганлигини аниқлатади. Турли идораларнинг терговчилари ўртасида ишларни кўриб чиқиш кетма-кетлиги эса содир этилган жиноятларнинг характери ва уларни тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатларига қараб аниқлаб берилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишларни кўриб чиқиш кетма-кетлиги тартиби прокуратура, МХХ ва ИИВ-нинг тергов аппаратларига бир хил оғирликдаги вазифаларни юклайди (ЖПК 345-346-моддалар).

/Давоми 8-бетда/

Ҳаётимиз фаровонлигини электр энергияси ёки табиий газсиз тасаввур қилиш қийин. Оқлий рўзгор юмушдан тортиб, улкан машина ва дастгоҳларга-ча ушбу табиий неъматлар кўмағида юртилишига ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати бўлмас керак. Бироқ, бу дунёда абалди нарсанинг ўзи бўлмаганидек, ана шундай беминнат кўмакчининг ҳам ўзига яраша ҳисоби борлигини кўпинча унутиб қўямиз. Назаримизда уни ҳар қанча иштатсак-да, тугамайдигандек бўлиб кўринади. Ҳаётда бундай эмас.

Баднафслар

Азизбек ХАЛМУРЗАЕВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг бўлим катта инспектори

Хар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари — сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланар эканмиз, унутмаслигимиз керакки, турмуш фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омили бўлган ушбу табиий бойликлар катта маблағлар эвазига етказиб берилди. Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, фойдаланиш ҳаражатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Аслида истеъмолчи ва таъминотчи муассасалар ўртасидаги муносабатлар бир қатор қонун ва меърий ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади. Афсуски, инсон гоҳида нафсининг домига тушиб қолар экан. Республикамизда истеъмолчиларга етказиб берилмаётган электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ундирилишига доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг ижроси долзарб бўлиб турган бир вақтда жойлардаги коммунал тармоқ ходимларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, қарздорликни ундириш ўрнига истеъмолчилардан тамагирлик йўли билан пора олиш ёки бошқа кўринишдаги коррупция ҳолатларини содир этаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Хозирги кунда бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, истеъмолчи ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси томонидан олиб борилаётган тезкор тадбирларда бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари фош қилинди.

Бунга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. "Водийгазтаъминот" УК Хўжаобод филиалида чилангар вазифасида ишлаган Иномжон Тешаев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ваколати бўлмаганда, туман ҳудудида яшовчи 27 нафар фуқародан табиий газдан қарзлари учун жами 5 млн. 302 минг сўм ундириб, йиғилган пулларни филиал газнасига топширмай, ўз эҳтиёжига учун ишлатиб юборган.

Баъзида фуқароларнинг эътиборсизлиги, ҳуқуқларидан фойдаланмаслиги ҳам кўпинча юқоридаги каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Чунончи, коммунал тўловларни тўлаганлик ҳақидаги қвиатанция патталарини талаб қилмаслик ёки суриштирмаслик нохушликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Хусусан, яқка тартибдаги тадбиркор С.Тошматовнинг аризаси юзасидан олиб борилган тезкор тадбирда "Зарафшоншахаргаз" филиали собиқ ходими Тўра Сувонов ўзининг ҳамтовоклари Одил Ҳасанов ва Жавлон Соҳибовлар билан олдиндан тил бириктириб, фуқаро Тўлагановдан газ тўловлари учун олинган 917 минг сўм ҳамда 7 та ўхшалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларидан олинган 2 млн. 135 минг сўм пулларни газнага қирим қилмасдан, тўловчиларга сохта қвиатанциялар ёзиб бериш йўли билан жами 3 млн. сўмдан ортик маблағларни талон-торож қилганликлари аниқланди.

Ҳуқуқбузарларга ўз вазифаларини суистеъмол қилганликлари учун суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имтиёз ва эркинликлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бундан самарали фойдаланаётган юртошларимиз ўз фаолиятларини кенгайтириб, оила фаровонлигини таъминлаш баробарида, юртимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳам самарали ҳисса қўшмоқдалар. Бироқ ҳали ҳам ноқонуний даромад олиш мақсадида ҳар қандай тубаникдан тап тортмай, яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Фуқаро қачон яширин иш қўради? Шубҳасиз, фаолияти қонунга хилофлигини ва ишлаб чиқараётган маҳсулотни ҳеч қандай талабларга жавоб бермаслигини билган тақдирда. Яширин цехларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар на стандарт, на санитария меъёрларига тўғри келади. Қолаверса, бундай фаолият мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказиши ва қонуний фаолият кўрсатиб, мамлакат равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорлар фаолиятига салбий таъсир қўрсатади. Шунингдек, яширин цехларда ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулотлар истеъмоли инсон саломатлиги учун жиддий ҳавф туғдири-

Инсон ҳаёти учун зарур соҳалардан бири — соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш ва аҳолига табиий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласи даваат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Текширувчининг қилмиши

Зафар ШОДИЕВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қибрай туман бўлими бошлиғи

Биобарин, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда аҳолининг малакали табиий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, табиий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга мос тарзда ислоҳ этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биргина жойларда ташкил этилган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти мисолида қўрадан бўлсак, амалга оширилган ишлар чекка ва олис жойларда истиқомат қилувчи фуқароларимиз учун табиий кўмак олиши учун яна бир қулайлик бўлди. ҚВЛларга энг сўнгги замонавий табиий ўсқуналар олиб келиниб, махсус автомашиналар билан таъминланди.

Бироқ, нур бор жойда соя бўлганидек, жамиятдаги баъзи кимсалар қишлоқ врачлик пунктларидан ўзига ўлжа қидирар экан.

Ана шундайлардан бири Тошкент вилоят Назорат-Тафтиш бошқармаси бўлимида назорат тафтиши вазифасида ишлаган Дилмурод Очиловдир (исм-фамилияси ўзгартirilган). У ўзига юклатилган вазифага кўра, хизмат сафари билан Қибрай туманидаги "Чингелди" қишлоқ врачлик пунктига келади. Пункт мудири Райхон Нуруллаевага текшириш даврида катта камчиликни қиқариши айтиб, уни аниқланадиган камчиликлар бўйича 40 млн. сўмгача миқдорда жарималар қўлланилиши мумкинлиги билан қўрқитади ва тамагирлик йўли билан 1000 АҚШ доллари беришни талаб қилади.

Лекин унинг тамагирлиги тезда фош этилди. Р.Нуруллаевадан 1000 АҚШ долларини пора тариқасида олган Д.Очилов тезкор ходимлар томонидан ушланди.

Суд томонидан қонунбузарга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо белгиланди.

Юқоридаги каби ноқонуний иш билан шуғулланганлар бир кун келиб қилмишларига яраша жазо олишлари мўқаррлар бир

Яширгани ошкор бўлди

Рашид КАМолов,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Богот туман бўлими бошлиғи

ши ҳам ҳеч биримизга сир эмас.

Шундай экан, яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам бериш, бу турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг доимий эътиборида бўлиб қолаверади.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси Богот туман бўлими томонидан олиб борилаётган тадбирлар натижасида фош этилган яширин цехлар фаолияти таҳлил қилинганда, улар истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариб, аҳоли саломатлигига ҳам зиён етказишга тиниб қолмади.

Жумладан, тумандаги "Маданият" қишлоғида истиқомат қилувчи Файрат Ражабов ўйининг ёрдамчи ҳўжалик хонасида қўлбола жувозда пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқарилаётганлиги департаментнинг Богот туман бўлими ходимлари томонидан фош қилинди. Ноқонуний фаолият билан шуғулланиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказиб, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг бозорга кириб келишига сабабчи бўлаётган Ф.Ражабов ўз "тадбиркор"лигини йўлга қўйиш учун электр энергияси тармоғига ноқонуний уланганлиги ҳам аниқланди. Унинг турар жойи қўздан кечирилганда, 60 литр пахта ёғи ва 803 кило-

грамм кунжарани сотиш мақсадида сақлаб қўйганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, туманнинг "Найман" қишлоғида истиқомат қилувчи Ражаб Қурбонбоев ҳам ана шундай фаолият билан шуғулланиб келаётган экан. У ҳам электр энергияси тармоғига ноқонуний уланган ҳолда ўз уйида қўлбола ёғ жувозини ишлатиб келган. Унинг турар жойи қўздан кечирилганда, 31 қопда 640 килограмм пахта чигити, 350 литр пахта ёғи ва бошқа ашёвий далиллар топилди.

Қонун ҳимоячиларининг саъй-ҳаракатлари билан уларнинг фаолиятларига чек қўйилди. Суд ҳукми билан Ф.Ражабов ва Р.Қурбонбоев тегишли жазосини олди.

Ўйлаймизки, уларнинг тақдири бошқаларга ҳам сабоқ бўлади. Бойси, ўзларининг ноқонуний қилмишлари билан жамиятимизга, иқтисодиётимизнинг ривожланишига, фуқаролар саломатлигига жиддий зарар келтириётган бундай шахслар маълум муддат мўмай даромад топишлари мумкин. Бироқ, кўза кунда эмас, кунда синида, дейилганидек, бундай фаолият узоқ давом этмайди.

Тамагирлиги бошига етди

Аброр РАҲИМОВ,

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Бувайда туман бўлими бошлиғи

Тумандаги умумтаълим мактабларининг биринла ўринбосар бўлиб ишлаган И.Сиддиқов директор вазифасини вақтинча бажариб турган эди. У бир қанча вақтдан сўнг ўзини мактаб раҳбари қилиб тайинлаш учун туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига мурожаат қилади.

Ушбу бўлимнинг мудири вазифасини вақтинча бажариб турган А.Маназаров бу иш шунчаки бўлмастлигини айтиб, ундан "хизмат ҳақи" талаб қилади. Яъни А.Маназаров И.Сиддиқовни директор вазифасига тайинлаш учун ундан 300 АҚШ доллари сўрайди. И.Сиддиқов бунга қурб етмаслиги, 200 АҚШ доллари топа олишини айтиб, хонадан чиқиб кетади. Орадан уч кун ўтиб, у мудирига 500 минг сўм келтириб беради. Қолганини эса директорликка тайинлангандан кейин беришини айтади. Лекин мудир И.Сиддиқовга ишонмайди. Шунинг учун ҳам унга: "Лавозимингиз ўзгармайти, ўз ўринингизда қоласиз. Беш юз минг сўмни қайтариб беришадми", дейди.

Бу гапни эшитган И.Сиддиқовнинг "кўзи мошдай очилади". Қонунга хилоф ишга қўл урганни англаб етди ва тамагирлик қилган бўлиб мудир вазифасини бажарувчига нисбатан чора кўришни сўраб ариза ёзади. Унинг аризаси юзасидан ўтказилган тадбирда А.Маназаров олган пулни қайтариб бераётган вақтда СВОЖЖДЛҚК департаментининг туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

А.Маназаров айбига тўлиқ иқдор бўлди. Аслида вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти мактаб директорини лавозимдан бўшатиш, ушбу лавозимга ишга тайинлаш ваколатига эга. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг мудир эса ходимни ушбу лавозимга тасвия этиши мумкин, холос.

Суд пора талаб қилиб олган тамагирга 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаб, ҳукм чикарди.

«Кўйи»га ишқи тушганлардан эҳтиёт бўлиш!

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Денов туман бўлими томонидан мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, бўлим томонидан ўтказилган тадбирларда айрим фуқаролар қонун билан тақиқланган фаолият билан шуғулланаётганликлари аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар қўрилмоқда.

Департаментнинг Денов туман бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда туман


ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Шерқўзи Қўнғирбоев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ўзининг жиноий шериги Боймат Газарбоевлар билан қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиш ва ўтказиш билан шуғулланаётганлиги аниқланди. Улардан 9 млн. 795 минг сўм, 2387 АҚШ доллари ва 47900 Россия рубли ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қонунбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзга-

Топшўлат МАМАТҲАКИМОВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Денов туман бўлими бошлиғи

тилди. Бу қимсаларнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Денов туман судида қўриб чиқилди ва суд томонидан уларга тегишли жазо тайинланди.

Маънавиятни юксак қадрлайдиган, насл-насаби тоза ва болажон ўзбек халқининг ҳамма орзу-умидлари фарзандлари камоли билан боғлиқ. Унинг хонадони болалар билан чирой очади. Ҳовлисида болалар қийқириги-ю хандон кулгуси янграган оила бахтли оила ҳисобланади. Ўзбек халқи, ҳатто ўзгалар, ўзга миллат фарзандларидан ҳам меҳрини дариг тутмайди. Кўп узоққа бормади, Иккинчи жаҳон уруши йилларида юртимизда кўчириб олиб келинган ўзга миллатнинг ўн беш нафар етим боласини асраб олган биргина оилани бағра олишнинг ўзи бунинг исботи. Бундай меҳр-саховатлилик халқимиз нафақат ўз боласи, балки меҳрга муҳтож ҳар қандай боланинг бошини силашга ҳам қодир эканлигини кўрсатади. Шундай миллатнинг, элининг вакили бўлганинг учун шукрона айтмаслик мумкинми?!



Кўнгли кемтик бўлиб ўсмасин!

Бугун мамлакатимизда ушбу қадриятлар давлат сиёсати даражада қадрланаётгани таҳсинга лойиқ. Мушаккил республикамизнинг нафақат сиёсий-иқтисодий куч-қудрати ва салоҳияти, балки маънавий қиёфаси ҳам дунё халқлари томонидан тан олинаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Айвонингиздаги қалдирғочнинг уясида тухуми ерга тусиб, чилпарчин бўлганда уларни кузатганмисиз? Шундай дамда улар безовталаниб, шу қадр чарх урадики, бунга ҳеч бир инсон хотиржам кузатолмас керак. Бу — одамдан бошқа жонзотларда меҳр, ҳис-туйғу бўлмайдиган, деган гап бекор эканлигининг исботи.

Лекин ҳаётда меҳрни ўйинчоқ билиб, ўз зурриётини болалар уйда қолдириб кетаведиган одамлар ҳам борлиги афсусландирди. Ёки турмуш ўртоғи билан муросаси чиқишмай қолса, фарзандлари олдидаги бурчи ва масъулиятини ҳам унутиб, ажрашишга шошиладиганлар ҳам топилди. Болаларининг моддий таъминоти учун берилиши керак бўлган алиментни тўламастик учун турли баҳоналарни рўқач қиладиган ота-оналар йўқ дейсизми?!

Яққабоглик Фазлиддин Турсунов Дилдора Эргашева билан бир олам орзу-ниятларга турмуш қурган эди. Шу орада шириндан-шакор икки нафар фарзандни дунёга келтиришди. Рўзгор бошлиги тайинли бир ишининг бошини тутмаганлиги, оиладаги етишмовчиликлар туфайли эр-хотин тез-тез

ади-бади айтишадиган бўлиб қолишди. Шундай кунларнинг бирида Фазлиддин турмуш ўртоғига талоқ сўзини айтиб юборди, ҳатто икки нафар но-расидасининг тақдири ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

Фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг 2007 йил 14 июндаги икки нафар вояга етмаган фарзандига алимент ундириш тўғрисидаги буйруғига кўра Ф.Турсуновдан алимент ундирилмаган бўлди. У эса алиментни хоҳласа тўлади, бўлмаса йўқ. Суд ижрочиларининг оголантиришлари ҳам бесамар кетди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Оила кодексига фарзандларнинг моддий таъминотиغا алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Бош Қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунарига қадр боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликларига белгилаб қўйилган бўлса, Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги, вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши, агар улардан бири томонидан алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда, иккинчи томон қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво кўзғатишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ф.Турсунов мазкур ҳуқуқий нормаларга амал қилмаганлиги ва оталик масъулияти, зиммасидаги қонуний мажбуриятини унутиши натижасида 2012

Ботир МУМИНОВ,
Чироқчи туман прокуратураси
терговчиси

йилнинг 1 февралдан 2014 йилнинг 1 октябрга қадр вояга етмаган икки нафар фарзанднинг моддий таъминоти учун жами 7 млн.107 минг сўмлик алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Натижада Д.Эргашева собиқ турмуш ўртоғининг бундай хатти-ҳаракати юзасидан жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Суд ҳукмига кўра Ф.Турсуновга жазо тайинланди.

Шунингдек, суд судланувчи Ф.Турсуновдан жабрланувчи Д.Эргашеванинг фойдасига 7 млн. 107 минг сўм алимент пули ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Кейинги пайтларда фуқаролик судларига тўшаётган аризаларнинг кўпчилиги эрдан ёки хотиндан вояга етмаган фарзандлари учун алимент ундириш ҳақидаги аризалар эканлиги кишини ташвишлантиради. Ваҳоланки, алимент билан боланинг келажаги таъминланб қолмайди. Аслида бола учун, аввало, ота-онанинг биргаликдаги тарбияси муҳим. Шундай экан, оилани сақлаб қолиш, фарзандларнинг тўқис ҳаёт кечирдиларини таъминлаш чораларини изламоқ даркор. Шундагина болаларимиз кўнгли кемтик бўлиб ўсмайди, шундагина улар ўз интеллектуал салоҳиятлари билан жаҳон сахналарини забт этади, Ватанинг қорига ярайдиган фарзандлар бўлиб вояга етади, чеҳраларида эса кулгуню табассум балқиб туради.

Кечиримлилик ифодаси

Президентимиз раҳбарлигида суд-ҳуқуқ ислохотлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Суд ҳокими-ятининг конституциявий мавқеи ва нуфузи мустаҳкамланмоқда. Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши содир этилган жиний қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш асосида тузалиш йўлига ўтиш имкониятини ҳавола этмоқда. Қонунда белгиланган бир қатор жиний қилмишларга нисбатан халқимизга хос кечиримлилик ифодаси — ярашув институти қўлланилмоқда.

Низбек ПАЙҒАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди раиси
Элёржон ЖўРАЕВ,
Риштон туман прокуратурининг ёрдамчиси

Судланувчи айбига тўлиқ иқдор бўлиб, оилавий шароити оғирлашиб қолгани туфайли ўз вақтида алимент тўлай олмагани, ҳозирда 6 млн. 168 минг сўм қарзини тўлиқ тўлаб, турмуш ўртоғидан кечирим сўраб, ярашиб олганини эътиборга олган ҳолда жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни илтимос қилди.

Фуқаровий даъвогар Г.Юсупова турмуш ўртоғи алиментдан бўлган қарзини тўлиқ тўлагани сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва у билан ярашиб олганини тасдиқлади. Суд судланувчининг қилмишидан пушаймонлиги, даъвогар билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, даъвогарнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини эътиборга олган ҳолда жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим деб топди.

А.Исроилов "Нексия" русумли автомашинасида "Бағдод-Риштон" йўналишида йатта тезликда бораётиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан велосипед миниб кетаётган А.Исақовни уриб юборган ва унга оғир шикаст етказган. Оқибатда А.Исроиловга нисбатан жиноят иши кўзғатилган.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили Т.Исақов ярашув тўғрисидаги ариза талабномани тақдим этди. А.Исроилов билан ихтиёрий равишда ярашиб олгани, унга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш хусусида даъволари йўқлигини баён этиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

А.Исроилов қилмишига тўлиқ иқдорлиги ва пушаймонлигини, жабрланувчининг қонуний вакили билан ярашиб олганини айтиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишга розилигини билдирди. Суд уларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириб, ажрим чиқарди.

Жиний қилмишда айбланган шахс ярашув натижасида судланган тамғасини орттириб олишдан халос бўлади. Қолаверса, жабрланувчи ва судланувчи томонларнинг авлодлари ўртасида адоват туйғулари тўғрилигининг олди олинади.

Дастанлик тергов ва унинг вазифалари

[Давоми. Бошланғичи 6-бетда]

Бу ҳолатлар эса дастанлик тергов жиноят процессида суддан ташқари бўлган фаолият ҳисобланганини характерлайди. Лекин ҳозирги даврда баъзи бир хорижий мамлакатларда, масалан, Францияда қонунга мувофиқ дастанлик терговни олиб бориш вазифаси тергов судьясининг зиммасига юклатилганини кўриш мумкин. Дастанлик терговни тергов судьяси олиб бориши учун полиция суриштируви тамомлангандан сўнг прокурор томонидан чиқариладиган ҳулоса асос бўлади ва бу ҳулоса прокурор жиноят иши бўйича дастанлик терговни ўтқа-

зиш лозим, деб топган ҳолларда чиқарилади. Ақс ҳолда, тўлиқ тергов қўрилишидаги суриштирув полиция органлари томонидан олиб борилади ва бу ҳозирги вақтда ақсарият жиноят ишларида нисбатан қўлланилиб келинаётганлигини кузатиш мумкин. Дастанлик тергов жараёнида эса тергов судьяси жиноят-процессуал қонунчилигида кўзда тутилган барча зарур тергов ҳаракатларини амалга оширади ва процессуал мажбурулов чораларини қўллаш ҳақида буйруқ чиқаради. Шунингдек, айбланувчини "ижтимоий текширувдан" ўтказиши, яъни унинг ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ва оилавий аҳолини, соғлими ва руҳий ҳолатини ўрганади. Маълум бўлган

маълумотлар судья томонидан ҳисобга олинади. Лекин бевосита жиноят иши материалларига киритилмасдан, алоҳида юритилади. Дастанлик тергов тугаган эса, тергов судьяси прокурор билан келишилган ҳолда ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради. Лекин хорижий мамлакатларда тергов концепцияларига мувофиқ эътироф этилган дастанлик терговнинг тергов судьялари ёки суд терговчилари томонидан амалга оширилиши Ўзбекистонда эътироф этилмаган.

Ўзбекистон Республикасида дастанлик тергов қонунийлик ва шахс ҳуқуқлари қароланини мустаҳкамлаш, фуқароларни қонун ва ҳуқуқ-тартиботни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда

жиноят процессининг муҳим бир босқичи бўлиб келмоқда. Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида барча терговчилар учун умумий бўлган ва улар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берадиган процессуал вазифалар ўз ифодасини топган. Унга кўра, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очилшдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фож этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татиқ этилишини таъминлашдан иборатдир. Бу эса мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Пойтахтдаги кафелардан бирида кўриқлаш ходими бўлиб ишлаётган Азамат Бакиров (исм-фамилиялар ўзгартрилган) билангидаги кучига ҳақдан зиёд ишонадиган ва товламачиликни ҳам қойиллатадиганлар хиёлатдан чиқиб қолди. Бироқ у бундай хатти-ҳаракатлари ўзига зарар келтиришини ўйлаб ҳам кўрмади.

Кўриқчининг «хунар»лари

Абдусайд АБДУРАЗАКОВ,
Юнусобод туман прокуратураси терговчиси

Ўша куни "пости"га келган А.Бакиров астойдил хизматга киришди. Унинг вазифасига қаҳвахонада тинчликни сақлаш, жанжал кўтаришмаслиги учун тегишли чораларни кўриш ва қаҳвахона мулкига зиён етмасликни таъминлаш кирарди. Аввалги ҳам кўринган миждозларнинг аста-секин кети узилмай қолди. Соат кечки тўққиз-ўнлар атрофида базму жамиди авжга чиқди. Миждозлар орасида пойтахтга ўқишни магистратурада давом эттириш учун имтихон топширган келиб, дўстлари билан хурсандчилик қилаётган Жамол Эркинов ҳам бор эди. У имтихонларни топшириб олганидан беҳад қувониб, даврани бўшатмай рақс тушарди. Уйин-кулгага берилиб кетган Жамол тасодифан ранг тарқатувчи аппаратни синдириб қўйди.

Бундан хабар топган Азамат қаҳвахона мулкига жавобгарлигини пеш қилиб, Жамолнинг ёқасидан олди. Ўртада пайдо бўлган келишмовчилик жанжалга айланди. Зардаси қайнаган кўриқчи миждозга ташланиб, Ж.Эркинов янамай дўппослади. Натижада Жамол оғир тан жароҳати олиб, ҳушини йўқотди. Вазиятнинг бундай тус олишини ўйламаган кўриқчи воқеа жойидан жуфтакни ростлаб қолди.

Жабрланувчи эса зудлик билан касалхонага етказилди. Бироқ шифокорлар қанча уринишмасин Ж.Эркиновнинг ҳаётини сақлаб қола олишмади. У олган тан жароҳатлари натижасида ҳаётдан кўз юмди.

Қилғиликни қилиб қўйган "азамат" йигит жавобгарликдан қочиб юрган пайтида яна бир жиноятга қўл урди. Ундан ёрдам сўраб келган фуқаро Наргиза Бадалбаеванинг "ҳасрати"ни эшитиб, дарҳол режа тузди. Ҳушини ҳолатбарор қилиб кўрсатиб, аёлнинг шаънини ҳимоя қилишга чоғланди. Аслида эса нияти бошқача эди.

Белгиланган манзилда Фарҳод Мадумаров билан учрашган Азамат аввалдан режалаштириб олганидай ўзини ички ишлар ходими сифатида таништирди. Кейин эса йигитни Наргизанинг номунига текнаникда айблаб, қаматиб юбориш билан кўрқитди, унга босим ўтказди. Ф.Мадумаровнинг ранги оқариб кетганини кўргач, барчаси ўзи ўйлагандай кетаётганидан мамнун бўлиб, бироз ҳовуридан тушган бўлди. Бу масалани ортиқча муаммосиз ҳал қилиш учун 1 миллион сўм талаб қилди.

Товламачининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Фарҳод мазкур ҳолат юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қибрай туман бўлимига мурожаат қилиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради. Унинг аризаси асосида ўтказилган тезкор тадбирда А.Бакиров тамагирик билан сўралган пулнинг 500 минг сўмини олаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди мазкур ҳолатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, А.Бакировни Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан айбдор деб топди ва унга нисбатан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Кўздаги ёшни қўл артади

Ўғирликни ёшлиқнинг шўхлиги, дея оқлаб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз. У етти авлолга иснод бўладиган иллат. Буни фарзандларига болалигинда оқ уқтириб бориш ҳар бир ота-онанинг маънавий бурчи ҳисобланади. Чунки эртага афсус-наломот чеккандан кўра, бутун тарбияда қаттиқроқ турмоқ лозимлиги ҳаётда бир неча бор исботланган ҳақиқат. Агар биринчи хато вақтида тўғриланмаса, бола иккинчи марта, балки биринчидан ҳам каттароқ хатога қўл уриши мумкин.

Нихолни ерга қадагач, парваришланмаса, етарлича эътибор кўрсатилмаса у ўз ҳолига ўсади. Кераксиз шохчалари вақтида қирқиб ташланмаса, танаси қийшайиб, ўтинликдан бошқа нарсага ярамайди. Бола тарбиясини ҳам ниҳол парваришига қиёслаш мумкин. Бола воёга етиш жараёнида унинг табиатидаги камчиликларга вақтида эътибор қаратиш лозим. Йўқса, бу камчиликлар келажақда унинг одати-га айланиб қолиши ҳеч гапмас. Бола тарбиясидаги қирқилиши керак бўлган шохчалар эси у хатога йўл қўйган вақтда танбеҳ бериб, тўғри йўлга солишди. Акс ҳолда, бола жиноятга қўл уриши, натижада ота-она юзини шувут қилиши мумкин.

Илк бор 15 ёшида ўғирликка қўл уриб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган Тўлқин Новатов жазони ўтаб қайтган ҳам айнан шу қилмишини давом эттиргани тўғриси яна икки бор сўзланди. Тўлқиннинг бу қилмишидан ота-онаси ва қариндош-уруғларининг маҳалла-қўй олдида боши эгилди.

Жиноят ишлари бўйича Яққаб тўман судининг 2011 йилдаги ақрими билан жазодан шартли озод қилинган йигитни ота-онаси уйлантириш ҳаракатига тушишди. Ота-онаси фарзандининг елкасига рўзғор юки туша қўйиб, ёмон одатларини ташлашидан умидвор бўлишди.

Тўлқин Новатов ўйлангач, бир муддат ижобий томонга ўзгаргандек бўлди ҳам. Орада фарзандли бўлишди. Эндиликда ота сифатида ҳам

зиммасига масъулият юкланганди. Аммо биринчи фарзанди касалликдан нобуд бўлди. Тўлқин бунинг аламига серзарда, кўп ичадиган бўлиб қолди. Ингач, у аламини хотинидан олиб, жанжал кўтарарди. Оиладаги руҳий сикилишлар сабабли унинг иккинчи фарзанди бироз касалманд бўлиб дунёга келди. Бу эса эр-хотиндан эндиликда бор эътиборларини боланинг соғлигини тиклашга қаратиши, бу борада бир-бирига ҳар томонлама тиргак бўлиши талаб этарди. Аммо Тўлқин кўчадан бери келмасди. 2015 йилнинг январь ойида у одатдагидек қоронғу тушиши билан кўчага ошқиди. Тун ярмидан оғанда уйга қайтиб, хотинини уйғотди. Ундан овқат тайёрлаб беришни сўради. Аёл турмуш ўртоғининг ичкили тўғриси оёқда зўрга турганини кўриб, ҳўрлиги келди. Шундай бўлса-да, аламини ичига ютиб, эрининг айтганини бажарди. Хотинининг юзидидаги ўзгаришни кўриб Тўлқиннинг жаҳли чиқди. "Нега менга қовонгингни соласан?" деб зарда қилди. Аёл эса "Қовонгинни солганим йўқку", дея жавоб қайтарди. Кейин гап орасида "Қизимиз касал бўлса, сиз эса ичиб юрибсиз", дея зорланди. Бу гаплар ароқнинг таъсиридан шерга айланган йигитнинг ҳамиятини кўзгади. Хотинининг юзига шалапоқ тортиди. Кейин бош-кўзи аралаш мушт туширди. Аёл қочиб ташқарига чиқди. Аммо Тўлқин бақирганича хотинини ёнига қақирди. Аёл уйга киргач, эр яна калтаклаб бошлади. "Нега менга ақл ўргатиб, гап қайтарасан?" дея стол

Содиқ ЮЛДОШЕВ,
Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

устидидаги пичоқни олиб, хотинига санчди. Аёл ерга йиқилди. Жароҳатидан қон сиза бошлади. Шундагина у қилиб қўйган ишдан ваҳимага тушди. Бошқа уйда ухлаб ётган ота-онасини уйғотиб, уларни воқеадан хабардор қилди ва аёлни тезда шифохонага олиб боришди.

Саёқ юриши, шаробхўрлиги сабаб Тўлқин Новатов сал қолса, бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди. Мастлик туфайли у қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятига қўл уриб, турмуш ўртоғини пичоқлаб қўйган эди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида мазкур иш атрофлича кўрилиб, Тўлқин Новатовга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Бироқ у оилада ағона боқувчи эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги туфайли унга шартли ҳукм билан 2 йил синов муддати белгиланди.

Афсуски, нафақат феълимизга, балки қон-қонимизга сингиб кетган қусурларимиздан бири итоатли аёлнинг устидан ҳукмронликка интилишидир. Эгаллар кўп ҳолларда оила тинчлиги, фарзандларини олдида отасининг обрўйини тўқмаслик учун эрларига нисбатан итоатли бўладилар. Маънавийсиз эр эса бу ҳолни ўз қаричи билан ўлчаб, зуғумкор бўлишга уринди. Бу эса оиладан бахтинг аришига, меҳр-оқибатнинг кечинишига, уларнинг ўрнини аламзадалик ва меҳр-сизлик эгаллашига сабаб бўлди. Аслида эса, ялон доғишмандлари айтганидек, эр ва хотин қўл ва кўздак бўлишлари лозим: қўл оғриганида кўзлардан ёш чиқади, кўзлардан ёш чиққанида эса қўл кўз ёшларни артади.

Тўйга бораман, деб...

Қодирхон АСҚАРОВ,
Ҳатти туман прокурори



Ўшанда қишининг илк кун эди. Ҳовлида юмуш билан банд бўлган Маҳмуа Абдуланинг (исм-фамилиялар ўзгартрилган) дарвозадан кириб келганини сезмай қолди.

— Кел, жиян. Тинчликми? — деди Маҳмуд саюм-аликлан сўнг.

— Аштдаги Жамилла холам тўй қилаётган экан, сизларни ҳам тўйга айтиб юборибди. Борасизми?

— Боришга-ку борамиз, аммо... — шу тобда Маҳмуднинг ҳаёлига қингир ўй келди. Агар жияни шерик бўлса, чегарама-чегара, ҳўжжатбозлик қилиб юрадимми? Қишлоқ адоғидаги чегарадан тунда ўтиб олишса бўлгани, манзилга анча барвақт етиб олишарди.

— Абдулла, мен билан борасанми?

— Борардим-у, лекин постдан қандай ўтамиз?

— Буни менга қўйиб бер. Сен шерик бўлсанг бас. "Йўли"ни биламан. Сен кийингин-да, кечки пайт бизникига кел, хўпми?

— Хўп...

Амаки-жиян атрофга шом қоронғуси инганида йўлга тушишди. Қишлоқ ниҳосидаги чегара постини узоқ кузатишди. Чегарачилар сал нари кетишгач, югурганча чегарани кесиб ўтишди. То Тожикистон Республикаси ҳудудига ўтиб олгунча, тўхташмади. Иккови ҳам ҳансираб, нафақат чегара ҳудудини, балки қонунни ҳам бузишганини идрок қилиб туришса-да, бундан афсусда эмасдилар.

Тўйхонага яхши кайфиятда кириб боришди. Холаси жиянларини кўриб, хурсанд бўлди. Тўй ҳам ўтди. Икки меҳмон нақд 18 кун ўзга давлат ҳудудида қолиб кетишди. Чунки холаси ўглининг тўйидан сўнг қизини ҳам узатди-да!

— Хола, энди биз қайтишимиз керак, — деди Маҳмуд.

— Қандай кетасизлар?

— Қандай келган бўлсак, шундай-да!
— Вой, мен ҳам сизлар билан Ўзбекистонга ўтиб кетай. Шерик тополмай тургандим, — хайрлашаётган қариндошлар сўхбатига қўшилди тўй эгасининг қўшини Муножот.
— Сиз ўзи қаерда яшайсиз? — сўради Маҳмуд.
— Ўзбекистонда... — дея ёлгон гапирди аёл. У аслида Тожикистон Республикаси фуқароси эди.

— Биз билан қийналиб қолмасмикансиз? Асосий йўлни югуриб ўтдик, шундай қилмасак, чегарачилар ушлаб олишарди.

— Мен ҳам биламан буни, сизлардан ортда қолмай юраман. Илтимос, йўқ деданглр...

Икки чегарабузар урта бўлиб, ортга қайтишди ва бу сафар қўлга тушишди...

— Қилмишидан пушаймонман. Бошқа бундай қилмайман. Кечиринглар, — деди Маҳмуд Қобулов судда кўрсатма бераркан.

— Бунинг жиноят эканини билмагандим, — дейишдан нарига ўтмади 17 ёшли Абдулла Назоков.

— Хатоимни тушуниб етдим. Оилавий шароитим оғир, менга қонуний англилик беришингизни ўтиниб сўрайман, — деди ўши 55 га етганида суднинг қора курсисига ўтирган Муножотхон.

Жиноятга жазо муқарар. У Содир этилдим, қонуний чора кўрилиши шарт. Маҳмуд Қобулов 5 йил-у олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Муножот Сапавага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўлланилиб, уч йил синов муддати белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилиши тайинланди. Воёга етмаган судланувчи Абдулла Назоковга нисбатан ҳам уч йил синов муддати белгиланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилди. Маҳмуд ва Муножот-ку, қонунни писанд етмаганлари учун жазога тортилиши. Бироқ Абдулланинг жиноятга қўл уриши, ҳали воёга етмай туриб, жазога тортилиши сабаблари ҳақида ўйласанг, афсусланасан.

Нима бўлганда ҳам жиноят содир этилди. Энди судланувчиларнинг жазодан тўғри хулоса чиқариши, бошқа жиноят кўчасига қадам босмасликлари муҳим. Буни эса вақт кўрсатади.

Самарқанд улкан санъат айёми арафасида

Дўстлик рамзига айлиниб улгурган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бугун ҳаммани тинчликка чақирмоқда. Самарқанд шаҳри бугун X халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик жараёнида. Шаҳарнинг юраги ҳисобланмиш Регистонда таниқли режиссёр Баҳодир Йўлшов раҳбарлигида фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимига алақачон тайёргарлик бошлаб юборилган.

Шубҳасиз, фестивалга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси ҳамда вилоят ишчи гуруҳи аъзолари маъмур санъат анжумани нуфузини ҳис этган ҳолда иш олиб боришмоқда. Амалга оширилаётган ишлар кўлами бу жараёнинг нақадар кенглигини кўрсатади.

— Ҳар гал фестивалнинг ўзига хос мазмун-моҳият касб этиши ва тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши боис "Шарқ тароналари" да қатнашиш истагини билдираётган мусиқа ва санъат номандалари сафи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш дирекцияси ижрочи директори Тўрабек Маҳмудов. — Дастлабки фестивалда 31 давлат вакиллари ўз санъатини намойиш этган бўлса, бу гал 65 давлатдан 320 дан зиёд иштирокчи келиши кутилмоқда. Португалия, Маврикия, Бутан, Коста-Рика, Мали, Перу, Эквадор давлатлари вакиллари илк бор фестивалда ишти-

рок этиш истагини билдиришди. Шунингдек, фестивалга ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани туфайли унда мазкур халқаро ташкилот раҳбарларининг расмий меҳмон сифатида иштирок этиши аёнанага айланган. Хусусан, 2013 йилги фестивалда ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова катнашган эди. Бу йил ҳам бу нуфузли ташкилотнинг раҳбарлари иштирок этиш фикрини билдиришди. Қолаверса, бошқа кўплаб фахрий меҳмонларни ҳам кутиб олиш ниятидамиз.

— Фестиваль доирасида "Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги" мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилади, — дейди халқаро илмий анжуман раҳбари Рустам Абдуллаев. — Шарқ анъанавий мусиқаси ривожланишининг босқичлари ва унинг ҳажон мусиқа маданияти ривожигаги ўрнини ўрганиш мақсадида ташкил этилаётган бу йилги анжуманда ҳозиргача 15 давлатдан олимлар қатнашиш истагини бил-



дирган. Ҳозир конференция дастури тайёрланмоқда.

Фестивалга тайёргарлик доирасида Самарқанд шаҳрида меҳмонларни кутиб олиш ва уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, юқори сифатли замонавий хизматлар кўрсатишга куриллаётган тайёргарлик, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Регистон майдонидаги сахнада олдинги тажрибалардан келиб чиқиб, санъаткорлар ва томошабинлар учун янада қулай шароит яратилмоқда. Шаҳарда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Анжуман иштирокчилари жойлашадиган меҳмонхоналар, Улугбек мадрасаси, музейларда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига оид фотосуратлар, миллий асбоблари, тарихий либослар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий ҳунарманд-

чилик маҳсулотлари кўрғазмалари ташкил этилади. Фестиваль қатнашчилари туманларда бўлиб, истироҳат боғларида, мусиқа ва санъат мактабларида ўз дастурларини намойиш этишлари, ёш ижодкорларга маҳорат машғулотлари ўтишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда.

— Фестивални ҳар қачонгидан ҳам юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш билан боғлиқ асосий ишлар бажарилди, — дейди Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари Умид Назаров. — Шунингдек, Регистон ансамблида очилиш маросими ва кўриқ танловлар ўтайдиган сахна қурилиши ниҳоясига етказилди. Саҳна 25 фойза кенгайтирилган бўлиб, Улугбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари билан боғланди. Бу йилдан бошлаб сахнани ёритиш бутунлай янгича тизимга ўтказилди. Бунинг учун германиялик мутахассислар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди. Энди янгича ёритиш тизими

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Нуқид»

Регистон ансамбли учун "Шарқ тароналари" X халқаро мусиқа фестивалидан эсдалик бўлиб қолади. Фестиваль олдида Улугбек ва Тиллақори мадрасаларида реставрация, Шердорда мукамал реставрация ишлари қилинди. Илгари томошабинлар учун ўриндиқлар ўрнатишда анчагина мураккаб жараёнлардан ўтишга тўғри келарди. Эндиликда эса майдонда мармардан барпо этилган қулай амфитеатр юзага келди. Зиналардан иборат мармар тахтачалар устига ўриндиқлар ўрнатишга эса майдонда юқори савияда ўтказишга қизгин ҳозирлик қилинмоқда.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали турли халқларнинг миллий кўшиқлари янграйдиган, жаҳоннинг таниқли санъаткорларини чорлайдиган нуфузли шодиёнадир. Аҳамиятли томони шундаки, хонишлар қайси тилда янграшадан қатъи назар, уларда она-Ватан, инсонийлик, муҳаббат, тинчлик тараннум этилади.

Аҳоли снарядлар туфайли эвакуация қилинди

Германиянинг Ганновер шаҳри атрофида ва Ленгенхаген шаҳри яқинида Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги снарядлар топилди.



Снарядларнинг портлаш хавфи бўлгани учун 16 минг нафар маҳаллий аҳоли эвакуация қилинди. Берлин ва Дортмундда боғловчи яқин атрофдаги йўл ёпиб қўйилди.

Снарядлар бир неча кун аввал ерни казиш пайтида топилган. Ҳозирда снарядлар уларнинг портлаш даражасини аниқлашмоқда. Агар снарядлар хавфсиз бўлса, аҳоли ўз уйларига қайтиши мумкин бўлади.

Балиқлар нима учун нобуд бўлди?



Бразилияда вақтинчалик аквариумларда сақланаётган 10 мингта яқин балиқ "дунёдаги энг катта чучук сувли аквариумга" ўтказилиши пайтида нобуд бўлди.

Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, Африка, Осиё ва Океаниядан олиб келинган балиқлардан 80 фоизи бошқа жойга кўчириш пайтида нобуд бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, балиқларнинг ўлими сувнинг яхши тозаланмаганига сабаб бўлган.

Кампу-Грандидаги қурилган ушбу аквариумга ҳукумат томонидан 170 млн. доллар сарфланган.

Кулгули ташҳис

"The Sun" нашрининг ёзишича, Британиянинг Фарҳам шаҳрида жойлашган клиника 99 ёшли Дорис Эйлингга ҳомиладор эканлиги ҳақида ташҳис қўйди. "Мен деярли 100 ёшаман, қандай ҳомиладор бўлишим мумкин?", — ҳайрон қолади Эйлинг хоним.

Қайд этилишича, шифохонадан берилган маълумотномада унинг исм-фамилияси ва ёши тўғри кўрсатилган.

"Менинг 3 фарзандим ва 20 набирам бор. Мен сўнгги бор 70 йил олдин фарзанд кўрганман", дейди кекса аёл.

Шифохона расмийлари ушбу ташҳисни "маъмурий хатолардан бири" деб тан олди.


Нью-Йоркдаги "Кеннеди" халқаро аэропортида жониворлар учун терминал қурилиши режалаштирилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 48 млн. долларни ташкил қилади.

Аэропортда жониворлар учун терминал қурилади

Янги мажмуанинг номи ҳам белгилаб қўйилган. "The ARK" деб аталishi кўзда тутилган терминал 2016 йилда ўз фаолиятини бошлайди. Таъкидланишича, бундай терминал дунёда биринчи марта қурилмоқда.

"The ARK" йилига 70 минг жониворни қабул қилади. Сигирлар ва отларга иқлим бошқаруви тизими билан жиҳозланган катаклар қурилиши белгиланган бўлса, итлар эса телевизорли хоналарда дам олиб, массаж қабул қилишлари мумкин. Шунингдек, пингвинлар учун махсус майдон бино этилади. Барча жониворларга тинимсиз тиббий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, мажмуа карантиндаги ёки юк бўлинмасида саёҳат қилаётган жониворларга ҳам хизмат кўрсатади.



Акула чемпионга ҳужум қилди

Халқаро ҳаёт

Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган "J-Bay Open" мусобақасида сёрфинг бўйича уч карра жаҳон чемпиони австралиялик Майкл Фэннингга акула ҳужум қилди.

У ўз иштирокини бошламоқчи бўлган пайтда акула унинг орқасидан ҳамла қилган. Сёрфчи жароҳат олмади. Ёрдамга вақтида етиб келган соқчилар акулага қаршилик кўрсатиб, спортчини хавфдан қутқариб қолишди.

"Иштирокимни бошламоқчи бўлганимда нимадир мени ушлаб олмоқчи бўлаётганини ҳис қилдим. Шундан сўнг тезлик билан ундан ўзимни олиб қочдим, бироқ у менинг атрофимда айланишда давом этаверди. Мен уни оёқларим билан тепиб, бақира бошладим. Сувда унинг фақатгина сузгичлари кўринарди. Сезишимча, маҳлук мени тишлаб олишга уринарди", деб воқеани шарҳлаб берди М.Фэннинг.

Ушбу воқеа сабабли мусобақалар бекор қилинди.

Наркобаронни тутишга 10 минг полициячи



Мехико, Герреро, Изалго, Морелос, Пуэбла ва Тласкала штатларида катта ишлар кетмоқда.

"Universal" нашрининг ёзишича, ҳозир "Пакана" лақабли жиноятчини қидириш ишларига 8200 нафар минтақавий ҳуқуқтартибот тузилмалари ходимлари, 1250 нафар федерал полициячи ва 200 нафар жандарм жалб қилинган.

Жамоат хавфсизлиги бўйича минтақавий бошқармалар раҳбарлари Мексиканинг ИИБ раҳбари билан учрашув ўтказиб, тегишли кўрсатмаларни олишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Хўрматли тадбиркорлар!

«Асака» банк



"Export Import Bank of Korea" (Корея Республикаси), "Commerzbank AG" (Германия) ва "Landesbank AG" (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш.
Қарздор	<p>«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар; Ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар. <p>«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> Ўзбекистон Республикаси резидентлари – хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.
Кредит мақсади	<p>«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:</p> <p>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш; стратегик инвестициялар. <p>Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш. <p>«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:</p> <ul style="list-style-type: none"> Импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Қува тумани ҳокимининг 13.05.2015 йилдаги 27ф-сонли 18.05.2015 йилдаги 30ф-сонли ва 27.05.2015 йилдаги 34ф-сонли фармойишларига ҳамда Қува тумани «Архитектура ва курилиш» бошқармасининг 13.07.2015 йилдаги 637-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи таъловога қўйилмоқда.

1. Қува тумани, Намуна ҚФЙ, Қорақум МФЙ ҳудудида «мини футбол майдончаси» куриш учун 1000,0 кв.м. ва обodonлаштириш учун 200 кв.м., жами 1200 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 5 1375 920 сўм.

2. Қува тумани, М.Хасанов МФЙ, М.Хасанов кўчасида «Мельбиль ишлаб чиқариш» деҳи ҳамда савдо ва машиини хизмат кўрсатиш шохобчаси куриш учун 800,0 кв.м. ва обodonлаштириш учун 200 кв.м., жами 1000 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 5 189 544 сўм.

3. Қува тумани, Иттифоқ ҚФЙ, Саноатчилар шаҳарчасида «Машиини хизмат кўрсатиш» шохобчаси куриш учун 800,0 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 2 155 392 сўм.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Қува тумани архитектура ва курилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 21 август кунини соат 17:00да тўхтайтилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қува тумани ҳокимлиги биносидида 2015 йил 24 август кунини соат 10:00да очилади ва шу кунини соат

16:00 да мажбуриятнинг биносидида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор гoлиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга куйидаги ҳужжатларини икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов шартномасига закатлат пулининг тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга joyлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84 Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Қўқон шаҳар ҳокимининг 29.05.2015 йилдаги 56ф-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи таъловога қўйилмоқда.

1. Қўқон шаҳар, Мовароуннахр кўчасида «Савдо дўконини» куриш учун 30,0 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 25 650 сўм.

2. Қўқон шаҳар, Банди Эшон кўчасида «Юк тушириш ва сақлаш» омбори ва ишлаб чиқариш учун бино куриш учун 18000,0 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати 15 390 000 сўм.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Қўқон шаҳар архитектура ва курилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома мат-

буотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 24 август кунини соат 17:00да тўхтайтилади.

Талабгорларнинг конвертлари Қўқон шаҳар ҳокимлиги биносидида 2015 йил 25 август кунини соат 10:00да очилади ва шу кунини соат 16:00да мажбуриятнинг биносидида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор гoлиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга куйидаги ҳужжатларини икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи

ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил катнашган тақдирда шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закатлат пулининг тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга joyлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй 24-хона. Тел: +99895 404 54 84 Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 март кунги 94-сонли «Истеъмол товарлари билан узғуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» эи Қарорига ҳамда Фарғона вилояти «Матлуботсавдо» АК тугатилиш комиссиясининг 2015 йил 13 июлидаги 31-сонли хатига асосан Фарғона вилояти «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг куйида келтирилган жамиятдоғи улушлари макроран арзонлашган ҳолда қуйилмоқда.

1. Еёвон тумани «Матлуботсавдо» МЧЖдаги 25,0 фoиз улуши, улушининг бошланғич баҳоси 7 150 139 сўм.

2. Бoғлод тумани «Тайёрловсавдо» МЧЖдаги 24,99 фoиз улуши, улушининг бошланғич баҳоси 11 531 493 сўм.

Аукцион савдолари 2015 йил 6 август кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашни учун аризалар 2015 йил 5 август кунини соат 17:00гача қабул қилинади.

Савдога қуйилган «улуш»ларнинг ҳужжатлари билан «Савдо ташкилотчиси» ҳамда Фарғона вилояти «Матлуботсавдо» АК томонидан бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашни учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатлат келишувига асосан, улушининг бошланғич баҳосининг 10 фoиз миқдоридида закатлат пулини тўлов ҳужжатидида улушининг номи кўрсатилган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» «EFFECT REAL GROUP» МЧЖнинг рекузитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар бўйича куйидаги манзила мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй. Тел: +99895 404-54-84. Лицензия RR-0094

Хизматлар лицензияланган

ХАБАРНОМА

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ томонидан 2015 йил 8 май кунини ташкил қилинган

«Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамиятининг 2015 йил 19 июнь кунги 289-сонли ёзишмасига асосан 2015 йил 10 июль кунини жамият балансидаги Наманган вилояти Поп тумани Санг қишлоғида joyлашган курилиш тугатилган «Болалар боғчаси» бино-иншоотлари бўйича ташкил қилинган очиқ аукцион савдоси натижалари.

Бошланғич баҳоси 299 047 212 сўм. Сотилиш баҳоси 327 000 000 сўм. Тел: 95 404 54 84. Лицензия RR-0094

Хизматлар лицензияланган

Кутлуғ айём

Эл-юрт тинчлиги ва осоёшталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси Нуриддин Хусанов кутлуғ 60 ёшни қарши олмақда.

У иш фаолияти давомида Самарқанд ва Сурхондарё вилоят прокуратуралари тизимида туман, шаҳар прокурори-

нинг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, туман прокурори лавозимларида самарали хиз-

мат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди. Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳаммасларни ҳурматига сазовор бўлди.

Нуриддин Хусановнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази



Собиқ вице-президент гаров эвазига озодликка чиқарилди



Швейцария ҳуқуқ-тартибот муассасалари томонидан қўлга олинган, 16 июлда АКШга экстрадиция қилинган ФИФАнинг собиқ вице-президенти Жеффри Уэбб 10 млн. доллар гаров эвазига озодликка чиқарилди.

Маълум бўлишича,

унинг озодликка чиқарилишини таъминлаш учун 11 та қимматбаҳо қўл соати, собиқ футбол амалдорининг рафиқаси Кендру Гэмбл-Уэбб номига расмийлаштирилган Ferrari ва Range Rover автомобиллари, Уэббнинг ўзига тегишли Mercedes-Benz автомобили, Уэбб хонимнинг бриллиант кўзли узуги, унинг бриллиант биллакузуги ва бошқа тақинчоқлари, шунингдек, кўчмас мулкларнинг 10 та ҳужжати ҳамда Уэбб хонимнинг ҳисоб рақамидаги 400 минг долларга яқин пул қўйилган.

Уэбб Бруклин федерал судидан 32 км. масофадаги худуддан ташқарига чиқиши керак эмас. Унинг ҳаракатланиши ортдан махсус электрон қурилма кузатади, деб хабар бермоқда Associated Press ахборот агентлиги.

Судда Уэбб ўз айбини тан олмаган. Терговчиларнинг фикрича, у 24 йиллик фаолияти давомида футбол мусобақаларини трансляция қилиш ҳуқуқини бериш учун 150 млн. доллар пора олган.

Эслатиб ўтамиз, 27 май куни ФИФА тизимидаги порахўрлик жиноятларини фош қилиш ишлари бошлангач, биринчилардан бўлиб ФИФА вице-президенти, Шимолий ва Марказий Америка ҳамда Кариб ҳавзаси (КОНКАКАФ) конфедерацияси раҳбари Жеффри Уэбб хибсга олинган. У Нью-Йоркдаги судда ўзига қўйилган айбловларни тан олмаган.

Сайлов санаси белгиланди



ФИФАнинг янги президентини аниқлаш учун навбатдан ташқари сайлов 2016 йилнинг 26 февралда бўлиб ўтади. Бу ҳақда 20 июль куни Цюрих шаҳрида ўтказилган ФИФАнинг навбатдан ташқари йиғилиши вақтида маълум қилинди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 29 май кунда Йозеф Блаттер ташкилот раҳбарлигига бешинчи марта сайланган. Лекин шу вақтда ФИФА тизимидаги порахўрлик билан боғлиқ можаролар келиб чиқиб, ташкилотнинг 7 нафар амалдори хибсга олинди. Шундан сўнг, 2 июнь куни Блаттер ўз лавозимини муддатидан олдин тарк этишини эълон қилган.

Бундан олдинроқ ФИФАнинг янги президенти сайлаш учун 2015 йилнинг декабрида сайловлар ўтishi ҳақида хабар қилинган.

Кайд этиш жоиз, ФИФАнинг янги президентлиги учун Иордания шаҳзодаси Али ҳамда бразилиялик мутахассис Зико ўз номзодларини кўрсатишган. Фолиб бўлиш учун энг кўп имкониятга эга шахс сифатида эса УЕФАнинг амалдаги президенти Мишел Платини номи тилга олинмоқда. У ўз ўрнини Германия Футбол иттифоқи раҳбари Вольфганг Нирсбахга қолдириб, 15 кун ичида ўз номзоди ҳақида эълон қилиши кутилмоқда. Платинини 6 та конфедерациянинг 4 тасида тўла қўллаб-қувватлашлари ҳақида айтилган.



Томас Мюллер учун 100 млн. евро

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби раҳбарияти Германиянинг "Бавария" жамоаси ярим ҳимоячиси Томас Мюллернинг трансфери борасида таклиф тайёрламоқда. Бу ҳақида Sport1.de портали хабар тарқатади.

Маълумотга кўра, манкуни-англиклар Германия термаси аъзоси учун 100 миллион евродан воз кечишга тайёр.

Уйинчининг ўзига эса 5 йиллик шартнома таклиф қилиниши таъкидланмоқда.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Англия клуби "Бавария" жамоасидан Бастиан Швайнштайгерни харид қилган эди.

Савич «Атлетико»да

Италиянинг "Фиорентина" клуби ҳимоячиси Стефан Савич Испаниянинг "Атлетико" клуби билан шартнома имзолади.

24 ёшли черногориялик футболчи 5 йиллик шартномага имзо чеккан. "Атлетико" клуби Савич учун 12 миллион евро тўлаган ва суммага қўшимча равишда жамоа ўйинчиси Марио Суаресни Италия клубига берган.

Эслатиб ўтамиз, Савич Италияга келгунга қадар "Борчу", "Партизан" ва "Манчестер Сити" клубларида фаолият олиб борган.



Шартнома узайтирилгани сабаб 1 млн. евролик бонус

Дани Алевеснинг "Барселона" клуби билан тузган янги шартномаси банлари маълум қилинди.

Магса нашри маълумотига кўра, бразилиялик ҳимоячи 11 млн. евродан иборат йиллик маошини сақлаб қолишдан ташқари келишувга рози бўлгани учун 1 млн. евро микдорига бонус ҳам олади.

Қайд этилишича, "Барселона" клуби 2016 йилнинг январигача янги футболчилар хизматидан фойдалана олмаслиги сабабли Алевес билан шу тарзда шартнома имзоламан.



«Бешиктош» Марио Гомесни харид қилмоқчи



Туркиянинг "Бешиктош" клуби Италиянинг "Фиорентина" жамоаси ҳужумчиси Марио Гомесни харид қилишга яқин турибди. Бу ҳақида "Тmв" нашри хабар қилмоқда.

Хар икки клуб мазкур трансфер бўйича бир тўхтамга келишган. Фақатгина баъзи расмийлаштирилган амалга ошириш қолган, холос. Гомеснинг трансфер нархи 6-7 миллион еврони ташкил қилиши кутуляпти.

«Бавария» Видални сотиб олди



Италиянинг "Ювентус" клуби ярим ҳимоячиси Артуро Видал фаолиятини Германия чемпионатида давом эттирилган бўлди. Футболчининг "Бавария" клубига эҳтимолий трансфери бўйича баъзи тафсилотлар маълум бўлди.

Мюнхен клуби футболчи учун 37 млн. евро ва яна 3 млн. еврони ҳам қўшимча бонуслар сифатида тўлайдиган бўлди.

Футболчи "Бавария" клубида ҳафтасига 130 минг евро маош олади.

Мюнхенликлар футболчининг трансферини ҳафта охиригача эълон қилишади. Чиллик футболчи яқин кунларда тиббий қўриқдан ўтади.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Наманган вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Музаффар Абдурахмоновга отаси Маъмиржон АБДУРАҲМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Huquq yuridik gazeta

Муассис: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati: Hakimboy HALIMOV, Gulnoza RAHIMOVA, Baxtiyor NAZAROV, Kamoliddin ASQAROV

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telephone: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85, E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqriq qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.

Buyurtma s-3490. 43 402 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuoti va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'y xatga olingan.

ISSN 2010-7617 9 772010 761004